БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 165 (912) | 18 август якшанба 1957 йил | БАҲОСИ 20 тийин.

СОВЕТ МАТБУОТИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Мамлакатнинг бир юз беш иқтисодий районидаги Халқ хўжалиги кенгашлари ишга киришганига иккинчи ой бўлди. Бу муддат катта бўлмаса ҳам, лекин саноат ва қурилишни бошқаришдаги бу янги форманинг афзалликлари ҳозирдаёқ тамомила равшан кўриниб турибди. Халқ хўжалиги кенгашлари корхона ва қурилишларнинг ишига доир энг зарур ташкилий-хўжалик масалаларини меҳнаткашларнинг жуда кенг иштироки билан кун сайин ҳал этмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервларини аниқламоқдалар ва ишга солмоқдалар. Халқ хўжалигини бошқаришнинг қайта ташкил қилинишига қарши чиққан Маленков, Каганович, Молотовларнинг ва уларга қўшилган Шепиловнинг партиягa қарши группаси тўқиб чиқарган туҳматларни турмушнинг ўзи рад этмоқда.

Халқ хўжалиги кенгашлари ишга тушган дастлабки даврда улар олдига саноатимизни янада юксалтириш учун, саноат қурилиши ва уй-жой қурилиши планларини бажариш учун кураш соҳасида катта ва мураккаб вазифалар қўйилди.

Бизнинг матбуотимиз Халқ хўжалиги кенгашларига жиддий ёрдам бера олади ва бериши лозим. Матбуотимиз саноат ва қурилишни бошқаришнинг янги структураси билан, иқтисодий районлар билан, Халқ хўжалиги кенгашларининг ишидаги дастлабки қадамлар билан меҳнаткашларни таништириш соҳасида анча иш қилди. Лекин бу фақат бошланғич ишлардир. Матбуотнинг жанговар вазифаси — Халқ хўжалиги кенгашларининг ишларини кун сайин ёритиб боришдан, янгича раҳбарлик қилиш тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва ёйишдан, камчиликлар ҳақида ўз вақтида сигнал беришдан, уларни дадил танқид қилишдан иборат.

Харьков область газетаси «Красное знамя» иқтисодий район ташкил қилинган дастлабки кунлардан бошлаб унга жиддий эътибор бермоқда. «Харьков иқтисодий районида» деган рубрика бу газета саҳифасидан тушмайди. Газетанинг ҳар бир сонида Халқ хўжалиги кенгашининг, унинг бошқармаларининг, саноат корхоналари ва қурилишларнинг иши тўғрисида мазмундор мақолалар, хатлар ва хабарлар босилиб туради.

«Уральский рабочий», «Челябинский рабочий» ва «Социалистический Донбасс» газеталари Свердловск, Челябинск ва Сталино иқтисодий районларининг мусобақасини кенг ёритмоқдалар.

Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш масалаларини совет халқи ҳар томонлама муҳокама қилди. 2 миллион 300 мингдан ортиқ киши йиғилишларда ўз мулоҳазаларини ва таклифларини айтди. 68 мингдан ортиқ киши марказий ва маҳаллий газеталарда ўз фикрларини баён қилдилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари муҳокама қилинган кунларда кўп иш қилган матбуотимиз ҳозирги вақтда ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришга доир энг муҳим масалаларни кўтаришга меҳнаткашларни кенг жалб этиши лозим.

Халқ хўжалиги кенгашлари меҳнаткашлар кенг оммасининг турмуш тажрибасига ва ижодий ташаббусига таяниб, илғор совет техникаси ва фанининг муваффақиятларига таяниб иш кўрмоқдалар. Халқ хўжалиги кенгашларида ўз ишларининг кўзини биладиган малакали кадрлар тўпланган. Газеталаримиз редакциялари ҳозирги вақтда Халқ хўжалиги кенгашларининг ходимлари билан энг маҳкам амалий алоқалар боғламай туриб, уларни матбуотда қатнашишга жалб этмасдан туриб муваффақиятли ишлашлари мумкин эмаслиги равшан эмасми, ахир.

Лекин ҳамма газеталар шундай қилаётир, деб бўлмайди. Масалан, Вологда область газетаси «Красний Север»да металлургия ва ўрмон саноатининг иши тўғрисида мақола ва хабарлар деярлик босилмайди. Холбуки, Вологда Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 200 корхона ўртасида Череповец металлургия заводи каби катта корхоналар бор. Ёғоч тайёрлаш ва етказиб бериш жиҳатидан бу область РСФСР да учинчи ўринда туради. Бироқ редакция металлургларни ва ўрмон саноати ходимларини матбуотда саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуришнинг асосий техника-иқтисодий масалаларини кўтариб чиқишга жалб этмаётир. Кемерово областининг «Кузбасс» газетаси редакциясига нисбатан ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Бу редакция Халқ хўжалиги кенгаши билан шу вақтгача амалий алоқа боғламаган, жуда йирик Кемерово иқтисодий районидаги корхона ва қурилишларнинг турмушини суст ёритмоқда.

Саноатни бошқаришнинг янги формалари маҳаллий ташаббусни янада кенг ривожлантириш учун тўла шарт-шароит вужудга келтирмоқда. Халқ хўжалигининг янги муваффақиятлари учун ҳамма воситалар билан курашишда, раҳбарлик стилини такомиллаштиришда, социалистик хўжаликни бошқаришнинг энг яхши тажрибасини излаб топиш, умумлаштириш ва ёйишда Халқ хўжалиги кенгашларига ёрдам бериш лозим бўлган матбуотимиз олдида жуда кенг майдон очилди! Газеталар давлат планларининг ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш томонидан бажарилиши учун тинмай кураш олиб боришлари лозим!

Матбуотнинг вазифаси — оммаларнинг ижодий ташаббусини, новаторларнинг тажрибасини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан, Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритишдан, саноат ва қурилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар учун кураш олиб боришдан иборат. Айни бир вақтда бюрократизм, маҳаллийчилик кўринишларини танқид қилиб, нуқсонларнинг конкрет айбдорларини, канцеляриячилик-бюрократик методларнинг тарафдорларини очиб ташлаш зарур.

Матбуотнинг ишчи мухбирлари рейди ўтказиш, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ишчи мухбирлари постларини ташкил қилиш сингари оммавий формалардан кенг фойдаланиш керак. «Советская Татария» газетасининг бу ишдаги тажрибаси ибратлидир. Бу газета Татаристон АССР даги завод ва фабрикалар бошқа иқтисодий районлардаги корхоналар учун берилган заказларни қандай бажараётганликларини текшириш учун оммавий рейд ташкил этган. Республика газетасининг ўткир танқидий чиқишлари Татаристон Халқ хўжалиги кенгашига хомашё, материал ва буюмлар етказиб бериш топшириқларини бажармаётган корхоналарда тегишли тартиб ўрнатишда сўзсиз ёрдам беради.

Газеталар ҳар бир сонда техникани тараққий эттириш, илғор техникани жорий қилиш, ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш масалаларини кўтаришлари, ишчиларнинг, инженерларнинг, техникларнинг, партия, совет, хўжалик ва касаба союз раҳбарларининг социалистик ишлаб чиқаришни тобора юксалтиришга, КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган ижодий ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари лозим.

(«Правда»нинг 17 август бош мақоласи).

Индонезия Республикасининг ўн икки йиллиги

Индонезиянинг Мустақиллик кунига бағишланган тантанали мажлис

16 август кечқурун П. И. Чайковский номидаги концерт залида Индонезиянинг Мустақиллик кунига бағишланиб, совет пойтахти жамоат ташкилотларининг тантанали мажлиси бўлди. Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий советининг, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамиятининг, СССР Маданият министрлиги ва Чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш давлат комитетининг таклифига мувофиқ бу кечага Москва корхоналарининг ишчилари, олимлар, врачлар, педагоглар, санъат арбоблари, студент ёшлар тўпландилар.

Ҳозир бўлганлар орасида Индонезия Республикаси элчихонасининг ходимлари ва индонезиялик бошқа меҳмонлар ҳам бор эди.

Мажлисни Чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков очди. У тантанали мажлисга келган Индонезия вакилларини ва улар орқали мард ва эрксевар индонез халқини улуғ миллий байрам билан табриклади.

Мажлисда Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг масъул секретари ёзувчи А. В. Софронов доклад қилди.

Мажлис қатнашчилари Индонезиянинг Москвадаги элчихонаси маслаҳатчиси И. Маҳдини самимий кутиб олдилар. И. Маҳди Индонезия Республикасининг элчиси Александер А. Марамиснинг нутқини ўқиб эшиттирди. Элчи А. Марамис бетоблиги сабабли мажлисда ҳозир бўла олмади.

Кечанинг охирида совет ва индонез артистлари иштирокида концерт берилди. (ТАСС).

Совет касаба союзларининг 50 йиллиги

Ленин шаҳрида тантанали йиғилишлар ва кечалар

ЛЕНИНГРАД, 16 август. (ТАСС). Завод ва фабрикаларда совет касаба союзларининг 50 йиллигига бағишланиб ишчи ва хизматчиларнинг йиғилишлари ўтказилмоқда.

Бугун Газ номидаги Маданият уйида Киров заводи меҳнаткашларининг кечаси бўлди. Бу корхонанинг касаба союз ташкилоти шаҳардаги энг кекса ташкилотлардан биридир. Унинг тарихи Улуғ Октябрнинг ғалабаси учун курашдаги жанговар революцион традициялар ва кенг оммани коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги шонли ишлар билан бойдир. Транспорт ва оғир машинасозлик ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси В. В. Войк ўз докладида шу тўғрида гапирди. Докладдан кейин энг яхши касаба союз ходимлари ва энг кекса касаба союз активистларидан бир группасини қутлаш маросими бўлди.

Бугун Оржоникидзе номли клубда Болтиқ кемасозлик заводи касаба союз активининг кечасида бир группа кекса кемасозлар—пенсионерлар қатнашди. Улар революциядан илгари ҳам металлистлар касаба союзининг ишида қатнашганлар. Докладчи—завод комитетининг раиси А. Ф. Коршунов болтиқ кемасозлари касаба союз ташкилотининг тарихидаги шонли давларни кўрсатиб ўтдики, бу ташкилотнинг ташаббуси билан 1924 йилда бу ерда ишлаб чиқариш кенгашлари вужудга келган эди. Бир мунча кейинроқ бу ерда Ленинградда биринчи бўлган хўжалик ҳисоби бригадалари тузилди.

Совет касаба союзларининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан тантанали йиғилишлар ва кечалар металл заводида, Козицкий номли заводда ва шаҳарнинг бошқа корхоналарида ҳам бўлди.

* * *

Яқинда «Ташкенткабель» заводи касаба союз комитети совет касаба союзларининг ташкил этилганига 50 йил тўлишига бағишлаб тантанали йиғилиш ўтказди. Йиғилишга завод ишчи ва хизматчилари, республика касаба союз ташкилотларини тузишда актив иштирок қилган кекса касаба союз аъзолари қатнашдилар.

Завод касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Скачков совет касаба союзларининг ташкил топиши ҳақида доклад қилди.

Касаба союз комитети заводда социалистик мусобақани кенг кучайтириб, ишчиларни ишлаб чиқариш давлат планларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилаётир. Корхонада новаторларнинг сони тобора кўпаймоқда. Ишлаб чиқаришда рационализаторлик таклифлари кўпроқ жорий қилинмоқда. Кейинги олти ой ичида ишчи ва хизматчилардан кўпгина рационализаторлик таклифлари тушди. Шулардан 124 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Рационализаторлик таклифларининг амалга оширилиши натижасида биргина 20-цехнинг ўзида 90 минг сўмлик давлат маблағи тежалди.

Касаба союз ташкилоти ишчиларга ғамхўрлик қилишни кучайтириб, уларнинг соғлиғини сақлаш юзасидан анчагина ишлар қилди.

Сўзга чиққан ишчилар касаба союз ташкилотининг ишчанлик қобилиятини янада ошириш, касаба союз аъзолари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш унумини юқори кўтариш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Пландан ташқари пилла топшириш учун

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб 17 августда давлатга пилла топшириш планини 100,1 процент бажардилар. Пилла топшириш давом этмоқда.

Бекобод, Янгийўл, Оржоникидзе, Боёвут, Калинин, Сирдарё, Тошкент районларининг колхозлари ва Оҳангарон район совхозлари пилладан юқори ҳосил олишда айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз ҳар қути уруғдан 60,3 килограмм, Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз эса 57,3 килограммдан ҳосил олди. Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз пилланинг оқ пилла уруғи навидан 53,9 килограммдан юқори ҳосил олиб, планни ошириб бажарди

Область пиллачилари пилла тайёрлаш бўйича йиллик планни 102 процентга етказиб бажариш мажбуриятини олдилар.

Ғўза парваришини пахта очилгунча давом эттирайлик!

Суратда: Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг химизатори ўртоқ Ю. Раҳимов ғўзага дори сепаётир.

В. Салов фотоси.

Ғўза парвариши соҳасидаги сустнашликка барҳам берилсин.

Илғор колхоз ва совхозлар Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ғўза парваришини ташкил қилиш ва мўл ҳосил тўплаш ҳамда август ойида ғўза парваришини ўтказиш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ғўза парваришини қизғин давом эттириб, ўз устларига янги мажбурият олиб ишламоқдалар. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг бу соҳадаги ташаббуси тақдирга сазавордир. Бу колхоз аъзолари 29 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топшириш юзасидан оширилган мажбурият олдилар.

Янгийўл районидаги Сталин номли (раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдулла Ортиқов) колхоз аъзолари ҳам қўшимча мажбурият олиб ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Бу колхоз 1100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилганлар. Областимиздаги юзлаб бригада ва звенолар ҳам мўл ҳосил етиштириш юзасидан янги мажбурият олиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида шу нарса яққол кўринди, кўпгина район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари ғўза парваришини кучайтириб юборишда мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан ҳали тўла фойдаланаётганлари йўқ.

Сирдарё район партия комитети (секретари ўртоқ Каримов), район ижроия комитети (раиси ўртоқ Абдушохидов) колхоз, МТС ва совхоз раҳбарлари ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ғўза парваришини ташкил қилиш ва мўл ҳосил тўплаш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этиб, ғўза парваришини кучайтириш ўрнига аксинча суръатни пасайтириб юборганлар, меҳнат ресурслари, техника воситаларидан унумли фойдаланишнинг таъминламаганлар. Текшириш шуни кўрсатдики, бу районда июлнинг кейинги ўнкунлигида ҳар куни 720 гектар майдондаги ғўза узунасига культивация қилингани ҳолда августда кунига 500 гектар майдондаги ғўза культивация қилинмоқда, чопиқ суръати ҳам 300 гектарга пасайиб кетди.

Ўртасарой районидаги колхозларда ҳам ана шундай камчиликлар содир бўлаётир. Бу райондаги колхозларда айниқса сув ресурсларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Кўпгина майдонлардаги ғўзалар ўз вақтида суғорилмаганидан, ўсимлик қовжираб қолмоқда. «Коммунизм», Охунбобоев номли колхозларда худди ана шундай аҳвол рўй бераётир.

Оққўрғон районидаги колхозларда ҳам шу кунларда ғўза парваришини соҳасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. 2-МТС раҳбарлари (директори ўртоқ Мухторов) ғўза парваришини кучайтириб юбориш учун астойдил курашмаётирлар. Бу МТС зонасидаги колхозларда 4 йилдан буён пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай келмоқда. Шунга қарамай бу йил ҳам ишнинг суръати паст. МТС ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда ғўза парваришини соҳасидаги ишларни амалда тўхтатиб қўйган. МТС директори ўртоқ Мухторов Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» сингари қолоқ колхозларда камдан-кам бўлади. У ерда ғўза парвариши қандай ўтказилаётганлиги билан қизиқмайди.

Янгийўл районидаги Навоий номли, Петров номли, «Москва» сингари колхозларда кўпгина майдонлардаги ғўзалар ҳосил тугишдан кечикаётир. Бу ерларда ўсимлик етарлича озиқлантирилмаган. Шунга қарамасдан район партия комитетининг секретарлари (Мусаев, Ильин ўртоқлар), район ижроия комитети (раиси ўртоқ У. Мусаев) бу колхозларда камдан-кам бўладилар. Ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтириб юборишда колхоз правлениеларига ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатиб турмайдилар.

Чиноз районидаги Свердлов номли, Ворошилов номли, Шверник номли колхозларда ҳам юқоридаги каби камчиликлар содир бўлаётир.

Областимиздаги колхозларда ўргимчакканага қарши кураш ишлари ҳам ғоят суст олиб борилмоқда. Ваҳоланки, 50 минг гектардан ортиқ майдондаги ғўза ўргимчаккана билан зарарланган. Шунга қарамасдан кўп ҳолларда ғўзани доривлаш ишлари сифатсиз ўтказилаётир. Натижада ҳосилнинг ҳавфли душмани—ўргимчаккана ҳалигача бутунлай тугатилмаган.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети областлараро ўтказилаётган социалистик мусобақанинг натижаларини кўриб чиқди. 1957 йилнинг август ойи биринчи ўнкунлигида мўл ҳосил тўплашда яхши натижага эришилгани учун Тошкент областига кўчма Қизил байроқ топширилди. Бу юксак мукофот областимиз қишлоқ хўжалик ходимларини етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил кўшиш соҳасидаги курашни янада қизғин давом эттиришга рағбатлантиради.

Район партия комитетлари, колхоз, совхоз, МТСларнинг бошланғич партия ташкилотлари колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС механизаторлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақани янада кучайтириб юбориш билан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилганидек августда ҳар туп ғўзада камида 10-12 тадан кўсак бўлишини таъминлашлари керак.

★

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ўргимчаккана қириб ташлансин

Ўргимчаккана ғўзанинг ашаддий душмани. Ўргимчаккана тушган ва зарарлаган ерларда пахта ҳосили камайиб кетади. Шунинг учун илғор хўжаликлар ўргимчакканани қириб ташлашга ўз вақтида киришадилар ва бу ишни сира кечиктирмасдан ўтказиб экинни сақлаб қоладилар.

Бу йил бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандалари сингари ўргимчаккана ҳам кўп тарқалди. Қишлоқ хўжалик зарурқунандаларига қарши курашувчилар бригадалари ана шуни тўғри ҳисобга олиб ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари, бир туп ғўзанинг ҳам зарарланишига йўл қўймаслик учун курашишлари керак.

Кўпгина илғор колхозларда зарарли ҳашаротга қарши мунтазам, қатъий кураш олиб борилмоқда. Бу соҳада пахтакорларга граждан ҳаво флотининг учувчилари айниқса яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўртасарой районидаги Хрушчев номли колхозда ишлаётган учувчи ўртоқ У. Алимовдан пахтакорлар ғоят миннатдор. У пахта далаларини тез ва ўз вақтида доривлашда ғайрат кўрсатиб ишлади.

Лекин шу нарса ачинарлики, бир қанча районлар, кўпгина колхоз ва совхозларнинг ғўзасига ўргимчаккана тушаётган бўлса ҳам уни тезда қириб ташлаш учун зарур тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаётир. Натижада бу ҳавфли ҳашарот ҳосилга зарар еткармоқда. Бекобод районидаги «Красний хлопкороб» колхозининг ғўзасига ўргимчаккана тушганлигидан колхоз раҳбарлари хабардор. Бироқ улар ҳашаротга қарши курашни яхши йўлга қўймаганлар. Заҳарли дорилар ўз вақтида сифатли қилиб тайёрланмайди ёки ҳашаротга дори сепишда белгиланган қоидаларга тўла амал қилинмайди—дори ҳашарот тушган жойларга мўлжаллаб сепилмайди.

Бўка, Пискент районларидаги қатор колхозларнинг ғўзасини ҳам ургимчаккана зарарламоқда. Бу районларнинг раҳбарлари, колхозларнинг правлениелари ўргимчаккана қарши курашни кучайтиришлари, ҳашарот тушган далаларни ўз вақтида доривлаш юзасидан барча тадбирларни тўла амалга оширишлари керак.

Мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган областимиз пахтакорлари ғўза, парваришини қизғин давом эттириш билан бирга бир туп ғўзанинг ҳам зарарланишига йўл қўймасликлари зарур. Шунда барча майдонларда мўлжалдаги ҳосилни етиштиришга эришамиз.

Ҳар бир туп ғўзада 14-15 тадан тўқ кўсак етиштирамиз

Колхозимиз пахтакорлари умумхалқ мусобақасига қўшилиб, 880 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил етиштириш орзуси билан меҳнат қилмоқдалар.

Пахтачиликни ривожлантириб, олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш —пахтакорларнинг шарафи бурчи. Биз мўл ҳосил учун курашни баҳорда эмас, балки ўтган йилнинг кузидан бошладик. Баҳорда чигитни барвақт экмак бўлсак ҳам, об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида ердан текис ундириб олиш кечикди. Бу, ғўзанинг ривожланиши ва ҳосил тўплашига салбий таъсир кўрсатди, ҳосил тўплаш ўтган йилга қараганда қониқарли бўлмади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ғўза парваришини кучайтириш ва мўл пахта ҳосили тўплаш тадбирлари тўғрисида» бўй чиқарган қарорида ўсишдан қолаётган ғўзаларни июль ойида парвариш қилиб, олдинги, ҳосилдор ғўзалар даражасига етказиб олиш вазифаси қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам июль — ғўзани ривожлантириш ва пахтадан мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Биз ҳосил тўплаш ойлигида ҳамма воситаларни ишга солдик. Техника ва барча кучдан унумли фойдаландик. Меҳнат тўғри ташкил этилди. Колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилди. Ғўзани парвариш қилиш, қондириб суғориш ва озиқлантиришда агротехниканинг илғор усулларидан тўғри ҳамда тўла фойдаландик.

Июль ойининг бошларида колхозимизда анчагина майдонда авжи паст ғўза бор эди. Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун колхозимиз аъзолари зўр уюшқоқлик билан ишладилар. Барча иш қатъий график асосида олиб борилди. Биринчи навбатда авжи паст ғўзалар аниқланиб, алоҳида парвариш қилинди. Ғўзанинг ривожланишдан орқада қолишини тугатишда маҳаллий ўғитлардан кўп фойдаландик. Бу, ернинг юмшоқ бўлишини таъминлади, намни узоқ сақлади. Авжи паст ғўзаларнинг ҳар гектарига 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Умумий майдондаги ғўза эса СУЗ ёрдамида 500 килограммдан майдаланган маҳаллий ўғит билан озиқлантирилди. Ғўза қондириб суғорилди, тобида культивация қилиниб, чуқур чопиқ ўтказилди. Айрим участкалардаги ғўзаларга «шарват» оқизилди.

Графикда белгиланганига кўра июль ойида ғўзани 1,5 марта культивация қилиб, чопиш керак эди. Пахтакорларимиз, механизаторлар унумли меҳнат қилиб, барча майдондаги ғўзани икки марта культивация қилдилар ва чопиқдан чиқардилар, авжи паст ғўзалар эса уч марта чопиқ қилинди. Шундай қилиб, биз ҳосил тўплаш ойини муваффақиятли якунладик. Ҳар бир туп ғўзада ўрта ҳисоб билан 7,2 тадан тўқ кўсак етиштирилди. Бригадалар ўртасида беш марта ўзаро текшириш ўтказилди. Текшириш ишнинг сифат ва суръатини оширди.

Колхозимиз аъзолари эришилган дастлабки муваффақият билан кифояланмайдилар. Чунки мўлжалдаги ҳосил етилди, деб бўлмайди. Шу вақтгача олдирилган гул, шонани нобуд қилмай сақлаб қолиб, уларни кўсакка айлантиришимиз керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Биз Марказий Комитет қарорини атрофлича чуқур муҳокама қилдик. Ғўза парваришини янада кучайтириш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

Август ойида барча майдондаги ғўза 1,5 марта культивация қилиниб, шу миқдорда чопилиши керак. Ғўзанинг талабига қараб қондириб суғориш зарур. Меваси кам ғўзаларга маҳаллий ўғит соламиз, «шарват» оқизамиз. Биз ҳар гектар ердан 39 центнердан ҳосил етиштириб, социалистик мажбуриятимизни бажариш учун ҳар бир туп ғўзада 14-15 тадан кўсак бўлишини таъминлашимиз керак. Пахтакорларимиз ана шу вазифани тўла бажариш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётирлар. 430 колхозчи ғўза қатор ораларини сифатли парвариш қилмоқда.

Колхоз ерлари паст-баландликлардан иборат. Бундай ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли, агротехника талабларига мувофиқ ўтказиш талаб қилинади. Айниқса ғўзани суғориш жуда ҳам мураккаб ишдир. Биз берилган сувни бригадаларнинг ер шароити ва ғўзанинг сувга бўлган талабига қараб тақсимлаб бермоқдамиз. Сувдан фойдаланишда қаттиқ контроль ўрнатилди. Ғўзани ўсаётган, ҳосил тўплайдиган пайтда дала ишларига моҳирлик билан раҳбарлик қилиш, ишни кеча-кундуз бўшаштирмаслик зарур.

Ғўзани эгат ташлаб суғориш мўл ҳосил етиштиришда энг муҳим шартлардан биридир. Колхозимизда ғўзани янги усулда суғориш кўпдан жорий қилинган. Бу усул суғориш ишларини анча тезлаштиради, сифатини яхшилайди. Ғўза шу усулда суғорилганда оддий усулдагига қараганда икки ҳисса кўп ердаги ғўза суғориб бўлинади. Суғоришнинг янги, прогрессив усули айниқса ҳозирги сув камчил кунларда яхши натижа бераётир, ғўзанинг ердан яхши озиқланиб, туп роқда нам узоқ вақт сақланишини таъминлаётир.

Колхозимизда суғориш ишини кекса, тажрибакор сувчилар ўтказмоқдалар. Шу кунларда 70 сувчи ишлаб турибди. 70 ёшли Қўлдибой Бексаидов, Шермат ота, Ходжор оталар, шунингдек Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тилла Тўронов, Абдумалик Шерматов ўртоқлар ёш сувчиларга ўз тажрибаларини ўргатиш билан суғориш ишини кузатиб бормоқдалар. Ёш сувчилар Ғани Ниёзов ҳамда Холмат Насивалиев ўртоқлар самарали меҳнат қилиб, ғўзанинг чанқашига асло йўл қўймаётирлар.

Ҳозир колхознинг 80 процентдан кўпроқ еридаги ғўза олти марта культивация қилиниб, беш марта чуқур чопиқ ўтказилди. Ғўзаларнинг ҳосил шохи бир-бирига кириб кетган бўлса ҳам, культивацияни сусайтирмаяпмиз, балки кучайтирмоқдамиз. Тракторларга тўсиқ ўрнатилган. Бу тадбирлар Тожибой Бобоев, Холмат Маҳкамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда сифатли ўтказилганидан ҳар бир туп ғўзада ўрта ҳисоб билан 12 тадан кўсак бўлиши таъминланди.

Пахтакорларимиз ғўза парваришини қўшаштирмасликка, сентябргача давом эттиришга қарор қилдилар. Биз август ойида авжи паст ғўзаларни қўшимча парвариш қилиб, ҳосилни янада кўпайтирамиз. Ҳар бир туп ғўза, шона, гул ва кўсакни кўз қорачиғидай сақлаймиз. Барча воситаларни ишга солиб, мажбуриятимизни ошириб бажарадиган даражада пахта ҳосили етиштирамиз ва умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашамиз.

О. НОРМАТОВ,
Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз раиси.

МАИШИЙ ТЕМАДА

Харидорлар магазинга кирганда...

Кейинги вақтларда сотувчи Ф. Ведерникова ҳақида ҳар турли гаплар айтиладиган бўлиб қолди.

— Ведерниковадан нон олишга безор бўлдим.

— Қачон бўлса ҳақингга хиёнат қилади.

— Яна қўполлигини айтмайсизми?

Магазин олдида ўзаро гаплашаётган аёллардан бири, ишчи Аҳмедова ҳам гапга аралашди:

— Ведерникова бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан сира тап тортмайди. Кеча 3 кишининг ҳар биридан 1 сўм 20 тийиндан ортиқча пул олиб қолганини ўз кўзим билан кўрдим.

11-магазиннинг нон сотувчиси Ведерникова кунига 300 килограммга етказиб нон сотади. Тарозидан уриб қолиш унинг учун одат тусига кириб қолган. Тарозига нонни тўғри келишига қарамай, нариданбери тортиб, харидорга узатади. Ведерниковаинг фикрича ҳар бир тарозидан 15-20 грамм нон кам берилса, харидор оч қолмас эмиш. 5-10 тийинлаб чақа кам беришига сабаб нима эканлигини суриштирсангиз, майда йўқлигини баҳона қилади.

Хуллас, Ведерникова турли йўллар билан харидорлар ҳақига хиёнат қилиб, кунига бир неча килограммлаб нон ва ўнлаб сўм пул ишлаб турибди. Ведерниковаинг бундай хатти-ҳаракати ҳаммага маълум. Ҳатто ОРС бошлиқларига бу ҳақда сигнал ҳам тушган. Лекин Ведерниковаинг пешонасини ҳамон силаб-сийпалаб келаётган шахслар бундай сигналларга қулоқ солгилари ҳам келмайди.

Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ОРСига қарашли савдо магазинларида Ведерниковага ўхшаган мазахўраклар кўпайиб қолди. Улар «Кўзга кўринмас» граммлар ва «назарга илинмас» тийинлар ҳисобига яшашга одатланиб қолаётирлар. Яқинда бир ўқувчи бола 2-магазинга келди. Магазин мудири И. Миноеов унга 145 грамм нонни кам берди. Миноеовдан «ўрнак» олаётган бошқа сотувчилар ҳам гоҳ тийинлардан, гоҳ граммлардан уриб қолмоқдалар. Айниқса, шу магазиннинг сотувчиси М. Фахритдинов ҳар бир тарозидан 20 граммгача уриб қолишни жуда ўзлаштириб олган.

Айрим савдо ходимлари саноат молларига давлат томонидан қўйилган баҳоларни қўпол равишда бузиб, молларни ўзларича ортиқча баҳода пуллаш билан шуғулланаётирлар. Бундай аҳвол кўпинча 16-магазин ходимлари орасида тез-тез учраб туради. Магазин мудири А. Кучерова молларга ортиқча нарх қўйиб сотишга сотади-ку, қўлга тушиб қолганда эса ялланг «адашиб қолади». Яқинда у икки метрлик штапельни сотишда ҳам янглишган эмиш. Ҳар бир метр штапельни 19 сўм 50 тийин ўрнига 21 сўмдан сотган. 10 дона «Прима» галтак ип ҳам 90 тийин ўрнига 95 тийиндан пулланди. Магазинга келтирилган 5170 дона 90 тийинлик галтак ипи 95 тийинлик «Экстра» галтак ипи баҳосида пуллаб юборилди.

9-магазиннинг бўлим мудири Э. Аюпова, сотувчи И. Исамитдиновлар ҳам минглаб галтак ипларини ўз баҳосидан ошириб сотмоқдалар.

Металлургларга шаҳарчасидаги озиқ-овқат саноат товарлари билан савдо қилувчи магазинларнинг ҳамасида ҳам меҳнаткашлар учун керак бўлган моллар топилавермайди. Баъзи магазинларнинг савдо ходимлари кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат молларини, ускинкийим бошларнинг бир қисмини харидорларга сотиб, қолганини прилавка тагига қўйиб, яширинча сотадилар.

10-магазин мудири В. Ким кўпинча аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган товарларни прилавка остидан, енг ичида сотаётир. Бундан бир неча кун аввал бу магазин текширилганда костюмлик шерсть, велюр драп каби материалларнинг бир қисми прилавка остига яширилиб қўйилганлиги аниқланди. Бундай фактлар А. Кучерова мудир бўлган 16, Л. Морева мудир бўлган 6-магазинларда ҳам тез-тез содир бўлиб турибди.

Картофель уни, яхши сифатли печенье ва бошқа кўпгина моллар прилавка орқали «ўз эгаларини» топиб кетмоқда.

Савдо магазинларида товарларнинг ассортиментини яхшилашга аҳамият берилмаётир. Кўп магазинларда харидорлар талаб қилаётган товарлар йўқ. 8-магазин ходимлари савдо қилишдан эриниб, кунига 600-800 килограмм ўрнига 300 килограммга етказиб нон олаётирлар. Шу сабабли ҳам бу ерда кўпинча нон бўлмай қолади. Макарон, вермишель каби озиқ-овқат маҳсулотлари аҳён-аҳёнда бўлаётир. Кўк чой анчадан бери йўқ.

7- ва бошқа магазинларда кўп вақт туз, қанд, сир бўлмайди.

Шаҳарчада аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талаби катта бўлишига қарамай, фақат биргина магазинда сут маҳсулотлари сотилаётир, холос. ОРС бошлиғи Ўртоқ Собко сут маҳсулотлари билан савдо қилишни яхшилаш ҳақида анчадан бери ваъда бериб келмоқда. Ҳатто сут олиш юзасидан ажратилган фонд ҳам тўлиқ фойдаланилмай ётибди. Шу йилнинг ярим йили учун ажратилган сут маҳсулотларидан 59 тоннаси олинмай қолди. Шунингдек, мол ёғи, сарёғ, тухум, чой, крупа ва бошқа маҳсулотларнинг кўпи ўз вақтида заводга келтирилмай қолиб кетди. ОРС раҳбарларининг ҳафсаласизлиги туфайли давлат томонидан ажратилган озиқ-овқат товарларининг кўпи ўз вақтида ташиб келтирилмаётир.

Савдо ходимлари харидорлар талабини тўла ҳисобга олган ҳолда ишлаётганлари йўқ. Бу ердаги магазинларнинг кўпида шикоят дафтарлари тутилмайди. Бор жойларда эса уларга ёзилган шикоят ва талабларга аҳамият берилмайди.

Бундай фактни Н. Сирожитдинов мудир бўлган 1-магазин мисолида кўриш мумкин. Кўп сотувчилар харидорлар билан қўпол муомалада бўладилар.

Бундай аҳволнинг олдини олиш ва зарур чоралар кўриш ҳақида харидорлардан бир қанча талаблар тушган. Биргина июль ойининг ўзида шикоят ва талаблардан 5 таси шикоят дафтарига ёзилди. Буларнинг бironтасига ҳам ҳалигача жавоб берилмаган.

* * *

Юқоридаги фактлар ОРС бошлиқларини ҳеч ташвишга солмаётир. Улар савдо-сотиқ магазинларида тез-тез бўлиб туришмайди. Савдо ходимларининг иши устидан қаттиқ контроль ўрнатилмаган. Ҳар бир савдо ходими ўз хоҳишича ишламоқда. Совет савдоси қонунини қўпол равишда бузаётган ходимларга етарли чора кўрилмаётир.

Металлургия заводи ОРСининг савдо дўконларидаги бундай камчиликлар Бекобод шаҳар савдо бўлимининг мудири Ўртоқ Авдиянқин ҳам ташвишга солмаётир.

Бекобод шаҳар Совети ва завод комитети металлургларга маданий хизмат қилишни яхшилаб, савдо ташкилотларига раҳбарликни кучайтиришлари керак.

У. ВАЛИЕВ,
М. ҒОЗИЕВ.

Республика пионерларининг V слётига тайёргарлик

Яқинда Ўзбекистон пионерларининг V слёти ўтказилади. Шу кунларда республикамиздаги пионер ташкилотларида слётни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Тошкент шаҳридаги Н. Островский номли пионерлар саройининг тўгарак аъзолари ҳам слётни муносиб кутиб олиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тўгарак аъзолари совети республика пионерлар слётига атаб «Бахтли болалигимиз учун коммунистик партиямизга ва жонажон Совет ҳукуматимизга раҳмат» деган темада болалар ижодий виставкасини ташкил қилиш ишига киришдилар.

Саройдаги Ўртоқ Тўхтахон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган тикув ва бичув тўгарагининг аъзолари ўз қўллари билан 15 иттифоқчи республика герблари ва Хитой, Ҳиндистон, Корея, Чехословакия пионерларининг формаларини ипак билан тикишга киришдилар.

Шунингдек, наққошлик тўгараги аъзолари халқ устаси Жалил Ҳакимов раҳбарлигида «Дўстлигимиз абадийдир» темасида СССР герби, Кремль башняси, иттифоқчи республикаларнинг гербларини ўзбек услубида чиройли қилиб безамоқдалар.

Моҳир қўллар, ёғоч ўймакорлиги каби 50 га яқин тўгарак аъзолари ҳам слётга атаб ажойиб совғалар тайёрламоқдалар:

Саройдаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, хор, хореография тўгараклари ва бошқа бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари ҳам катта концерт программаси ҳозирлашяпти.

Ҳ. ЖАЛИЛОВ.

Янги китоблар

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти рус ва ўзбек тилларида қуйидаги китобларни нашр этди:

АЛЕКСАНДР ДЮМА. — **«Граф Монте-Кристо»** (рус тилида, II том, французчадан таржима). 641 бет, тиражи 120.000, баҳоси 12 сўм.

«Театр имени Хамзы», 232 бет, тиражи 5000, баҳоси 17 сўм 80 тийин.

«Хивинский узор», Творчество народных мастеров Узбекистана, 59 бет, тиражи 3000, баҳоси 14 сўм 10 тийин.

ЖЮЛЬ ВЕРН. **«Капитан Грант болалари»** (катта ёшдаги болалар учун). 637 бет, тиражи 30.000, баҳоси 11 сўм 45 тийин.

«Бируний» (ўзбек тилида). 10 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм.

Д. ФРЕНИМОР КУПЕР. — **«Следопыт»** (рус тилида). 376 бет, тиражи 100.000, баҳоси 7 сўм 20 тийин.

Министрлик ёнбошидаги қурилиш объектида

Қойтахтимизнинг Пролетар кўчасида, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги биносининг ҳудди ёнгинасида Тошкент трамвай-троллейбус трестининг ишчи ва хизматчилари учун катта уй-жой биноси қурила бошлаганига анча бўлди. Министрликдаги ўртоқлар ўз қабинетларидаги деразалардан гоҳо-гоҳо бу қурилиш объектига бир назар ташлаб, иш суръатининг ҳаддан ташқари суст кетаётганлигидан нолиб қўядилар.

Бу қурилаётган янги уйда 52 квартира, шунингдек 71 хонадан иборат ётоқхона бўлиши керак. Объектда иш бошланганига роппароса 3 йил бўлди. Дастлаб бу объектдаги ишларни бажариш 6-қурилиш бошқармасига топширилди. Бироқ ҳа деганда иш жўнашиб кетавермади. Шундан сўнг объект 224-қурилиш трестига ўтказилди. Бироқ ҳеч қандай силжиш бўлмади. Шундан сўнг қурилиш ишлари участка коллективига етарли ёрдам бермаётирлар.

— Биз қачон, қанча ва қай хилдаги материал олишимизни билмаймиз, — дейди ўртоқ Степанюк, — материал олиш юзасидан график тузилмаган. Кўпинча бизга қандай материал беришлари ҳақидаги тахминий планларни бердилар. Бироқ бу планлар одатда қоғоздагина қолиб кетаверади.

Прораб ўз даъвосини жуда кўп мисоллар билан исботлаб берди. Жумладан, июль ойида қурилиш майдончасига жуда кўп дурадгорлик буюмлари келтирилиши лозим эди. Белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетганига қарамай, шу вақтгача буларнинг бironтаси ҳам олинмаган. Шунингдек, белгиланган зинапоялар ва ёғоч ҳам ҳалигачакелтирилгани йўқ.

Қурилиш участкасидаги ана шу аҳволни баён қилиб, ёрдам беришни сўраб ўртоқ Степанюк бир неча



Бошқармалар ўртасида сарсон бу бино, Министрлик раҳбарлари боқмас бир қиё.

157-трестга (бошқарувчиси ўртоқ Федоренко) топширилди. Объект шундай қилиб у қўлдан-бу қўлга ўтаверди, лекин иш ҳа деганда жойидан силжий бермади. Ўтган 3 йил мобайнида бинонинг ақалли деворлари ҳам тиклаб тамомлангани йўқ.

Хўш, министрлик ёнбошидаги бу қурилиш объектида иш суръатининг ҳаддан ташқари пасайиб кетганлигига сабаб нима? Даставвал шуни айтиш керакки, объект зарур бўлган бинокорлик материаллари билан жуда ёмон таъминланмоқда ва мавжуд механизмлар қувватидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Қурилиш участкасига ёш мутахассис Ўртоқ Степанюк раҳбарлик қилмоқда. Бироқ трест раҳбарлари иш суръатини тезлаштириш юзасидан марта трест раҳбарларига мурожаат қилди. Улар амалий ёрдам бериш Ўрнига ҳеч асоссиз равишда:

— Ҳозирча бундан ҳам муҳимроқ объектлар бор, асосий эътиборни биз ўшаларга қаратмоқдамиз,— деб жавоб бермоқдалар.

Трест таъминот бўлими жуда қониқарсиз ишламоқда. Буни қуйидаги мисолдан ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги пайтда Тошкентдаги ишт заводларида етарли миқдорда маҳсулот бор. Таъминот бўлими ўз кучи билан ана шу маҳсулотни объектларга ташиб келтиришни ташкил қилиши зарур. Бироқ таъминот бўлимидаги ўртоқлар амалий иш билан шуғулланиш ўрнига кўпроқ қоғозбозлик билан овора бўлмоқдалар. Ўртоқ Степанюкнинг сўзига қараганда, таъминот бўлими прорабларга фақат наряд ёзиб бериш билан чекланади. Прораблар эса ана шу наряд билан заводдан ишт келтирадилар.

Трест ва айрим участка раҳбарлари кўпинча прораблар билан келишмай, ўз ҳолларича иш кўрадилар. Жумладан, шу йилнинг 8 июлида қурилиш участкаларидан бирида ишлаётган 12 кишилик дурадгорлар бригадаси у ердан олиниб, ўртоқ Степанюк участкасига юборилган. Ваҳоланки, ўша пайтда участкада дурадгорлар қиладиган ҳеч қандай иш йўқ эди.

— Уч кундан бери бекор турибмиз, — дейди бригадир Михаил Ширяев. — Бетономешалка ишламаётир, уни ремонт қилиш зарур. Бундан участка механиги ўртоқ Шишалов хабардор, лекин шундай бўлса ҳам у ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Ўз вақтида бетон тайёрлаш учун қум, шағал ва бошқа хомашёлар етарли миқдорда келтирилиб туриши зарур. Бунинг учун кўтарма кран аниқ ва равшан ишлаши талаб этилади. Бетон қориладиган ергача из ётқизилмаганлиги сабабли кран бетономешалкадан 60 метр нарида тўхтайди. Қурилиш трестининг раҳбарлари кўп вақтдан бери Таштрам раҳбарлари билан ана шу қолган ерга из ётқизиш масаласи устида тортишиб келмоқдалар. Таштрам раҳбарлари ақалли эски трамвай изларини ҳам беришга рози бўлмаётирлар.

Қурилиш объектида меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги сабабли иш унумдорлиги ҳам пасайиб кетмоқда. Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилмаган, оммавий-сиёсий ишлар кўнгилдагидек эмас. Трест раҳбарлари бу объектда тез-тез бўлиб турадилар. Трест бошқарувчиси ўртоқ Федоренко, бош инженер ўртоқ Булкин, 10-қурилиш участкасининг бошлиғи ўртоқ Бурман ва трестдаги бошқа ўртоқлар бу объектга жуда кўп марта келиб-кетмоқдалар. Аммо амалий ишда ҳеч қандай силжиш бўлмаётир.

Партия ва ҳукуматнинг мамлакатимизда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори муносабати билан бинокорларимиз олдида ғоят катта вазифалар турибди. Уй-жой қурилишига ғоят катта эътибор берилаётган бир пайтда «Главташкентстрой»га қарашли 157-трест раҳбарлари меҳнаткашлар учун мўлжалланган объектларгаги бинокорлик ишларига етарли эътибор бермаётганликларини қандай баҳолаш мумкин? Ўзининг ёнбошидаги ана шу объектдаги ҳақиқий аҳволдан яхши хабардор бўлганлиги ҳолда министрликнинг ҳам бу масала юзасидан тутаётган позицияси кишини ажаблантиради.

В. ХАРЛАМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Пионер лагерларига эътибор кучайтирилсин“

Газетамизнинг 20 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан чиққан мақолада Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба союзига қарашли «Қизил галстук» ва «Звездочка» пионер лагерларида ишнинг ёмон ташкил қилингани, маданий дам олишни дурустроқ уюштирилмагани, оммавий-тарбиявий ишларга етарли эътибор берилмаганлиги ҳамда бошқа жиддий камчиликлар очиб ташланган эди.

Ўзбекистон ССР Маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси Ўртоқ Васильеванинг редакциямизга хабар қилишича, мақола республика комитетининг президиумида ҳамда пионер лагерлари ходимлари кенгашида муҳокама қилинган ва унда қилинган танқид тўғри деб топилган.

«Қизил галстук» лагерининг бошлиғи Ўртоқ Сидоренко раҳбарлик қилолмагани, дам олувчилар ўртасида оммавий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборгани учун ишдан бўшатилган. Шунингдек, тарбиячилар ҳамда пионер вожатийлари состави кўриб чиқилиб, баъзилари алмаштирилган. Лагерларда тартиб ўрнатилган, маданий-оммавий ишларни жонлантириш учун кўпгина тадбирлар белгиланган.

Ўйи нчоқлар сифатли, арзон ва хилма-хил бўлсин

Ҳар бир ота-она ўғилчаси ёки қизалоғига атаб бирон ўйинчоқ кўтариб келар экан, шу куни боланинг севинчи кўкларга етади. Ўйинчоқлар болаларнинг, айниқса, мактабгача бўлган ёшдагиларнинг овунчоғи бўлиши билан бир вақтда, ёш бола онгини ҳар томонлама ўстиришда, уни меҳнатга ўргатишда, бирон нарсага қизиқи ўйғотишда муҳим роль ўйнайди. Буни ҳамма қадимдан билади. Шунинг учун ҳам ота-оналар бола туғилгандан бошлаб унга ҳар турли ўйинчоқлар олиб бера бошлайдилар.

Болалар ўйинчоқларига бўлган катта қизиқиш, талаб шундан келиб чиқади.

Болаларнинг кичик ёшдан онгли, меҳнатни севучи, қизиқувчан бўлиб ўсишларини таъминлаш учун уларнинг ўйинчоқлари— қўғирчоқлар, меҳнат қуроллари, ҳайвонлари, қушлар, машиналар ва бошқа ўйин асбоблари турли-туман ва болани ўзига жалб қилувчан бўлиши керак.

Афсуски, ҳозирги кунда Тошкент магазинларида сотилаётган қўғирчоқ ва ўйинчоқлар кичкинтойлар эҳтиёжини тўла қондирмаётир.

Яқинда Асқар ака жажжи қизи Ҳалимининг «дадажон, менга ука олиб беринг» деб қилган илтимосига кўра Тошкент магазинларига бирма-бир кириб ўтди. Ниҳоят, Ташпромторгнинг 7-магазинига келди ва магазиннинг болалар ўйинчоқлари билан савдо қилувчи бўлимидаги турли-туман ўйинчоқлар ичида «Рустам» номли қўғирчоқ (Сталин номидаги артелнинг маҳсулоти)ни танлади. Лекин унинг исми жисмига мос эмас экан. Қўғирчоқ на ўзбек, на қозоқ ва на хитой боласига ўхшамайди. Бунинг устига у сифатсиз ишланган эди. Қўғирчоқнинг юмшоқ пахтадан қилинган оёқлари тезда бузилиб кетиши турган гап. Харидор қўғирчоқни қизига олиб беришни эп кўрмади.

Асқар ака: «Нима учун Украина ва бошқа республикаларда миллий ўйинчоқлар кўплаб топилади-ку, бизда минглаб кишиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда турли-туман миллий қўғирчоқлар ишлаб чиқариш мумкин эмас?» — деб ранжиди.

Ҳозир сотувда бўлган болалар ўйинчоқларининг кўпи Москва, Ленинград, Свердловск, Калинин сингари узоқ шаҳарлардан олиб келинган. Уларнинг нархлари анча қиммат.

364 сўмлик болалар темир йўли, 42 сўмлик плюшдан ишланган кичкинагина қуён (тирик қуённинг ўзини бундан анча арзонга олиш мумкин), 85 сўмлик йўлбарс сингари бошқа шаҳарлардан келтирилган бундай қиммат молларни ҳамма ҳам олавермайди. Шунинг учун ҳам бундай ўйинчоқлар 5-6 ойлаб, ҳатто йиллаб магазинларда тахланиб ётади. Масалан, айиқ-каталка, сув лодкаси сингари ўйинчоқлар 1956 йилдан буён сотилмай қолиб келмоқда.

Аҳоли кўплаб талаб қилаётган металдан ишланган юрар машиналар, самосваллар сингари ўйинчоқлар, колясклар, кичик велосипедлар, педалли от аравачалар эса кўпдан бери топилмайди. Бундай молларнинг қачонгача марказий шаҳарлардан келтирилишини кутамиз?

Наҳотки, йирик саноат шаҳри бўлган Тошкентнинг улкан заводларида буларни ишлаб чиқариш мумкин бўлмаса!

Магазинларда мавсумий ўйинчоқлар етарли бўлишига аҳамият бериш зарур. Ҳозир ёз фаслида керак бўладиган ҳар турли коптаклар, болғачча, пақирча ва сув қуядиган ўйинчоқ буюмлар топилмайди.

Республика Главкульторг базаси (бошлиғи ўртоқ Исломов) ва Ташпромторг (директори ўртоқ Чиркин) ва бошқа тегишли ташкилотлар кўрсатилган камчиликларни тезда тугатиш чорасини кўришлари, кичкинтойлар учун сифатли, арзон ва хилма-хил ўйинчоқлар бўлишини таъминлашлари керак.

С. МУСАЕВ,
М. АФЗАЛОВ.

БИБЛИОГРАФИЯ

Совет Ўзбекистони Конституцияси ҳақида китоб[1])

Ўзбекистон тарихшуносларининг ва ҳуқуқшуносларининг сўнгги вақтларда республикамиз тарихига ва унинг давлат ҳуқуқига доир бир қанча монографиялар ва брошюралар ёзилдилар. Яқинда Ўзбекистон Давлат нашриёти ана шундай асарлардан бирини — А. Аъзамхўжаев ва Ш. Ўразаевларнинг «Ўзбекистон ССР Конституциясининг ривожланиши» деган китобини босиб чиқарди. Бу китоб СССР составида гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Конституциясининг ривожланиш тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Китоб «Ўзбекистоннинг революциягача бўлган тарихидан» деган кириш боби ва икки бўлимдан иборат.

Кириш сўзида автоплар Октябрь социалистик революциясигача миллий давлатга ҳам, конституцияга ҳам эга бўлмаган ўзбек халқи, фақат Октябрь социалистик революцияси натижасида ва пролетариат диктатураси ўрнатилиши туфайлигина ўз совет социалистик миллий давлатига, Конституциясига эга бўлганлиги тўғрисида гапирадилар.

«Ўзбекистоннинг революциягача қалар бўлган тарихидан» деган бобида авторлар Ўрта Осиёнинг революциягача бўлган ижтимоий ва сиёсий тузумига қисқача характеристика берадилар. Бу даврда Ўзбекистон территориясида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мавжуд бўлиб, улар чор Россияси составига кирар эдилар.

Авторлар чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарамасдан, Ўрта Осиё халқларининг Россияга қўшилиши катта прогрессив аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб ўтадилар. Бундан ташқари китобда Туркистонда давлатни идора қилиш органлари ҳақида тўхтаб ўтилади. Бу давлат органларига вакиллар «сайлансалар» ҳам, лекин амалда улар Россия буржуазия чиновникларидан ва маҳаллий эксплуататорлардан, бой, савдогар ва руҳонийларнинг вакилларидан иборат эди. Авторлар Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги чор Россиясига қарам бўлиб ўзларининг иқтисодий ва сиёсий мустақилликларини йўқотган феодал-деспотик давлатлар бўлганлигини кўрсатадилар.

«Социализм қуриш даврида Ўзбекистон ССР Конституциясининг ривожланиши» деган бўлимда Коммунистик партия раҳбарлиги остида Туркистонда Октябрь революциясининг ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши баён қилинади.

Китобда Туркистонда социалистик революциянинг ғалаба қозониши ва эски давлат аппаратининг синдирилиши, янги совет давлат аппаратининг ўрнатилиши баён этилади. Авторлар Туркистонда 1918 йил апрель ойида бўлиб ўтган бешинчи ўлка Советлар съездининг тарихий аҳамиятига тўхталадилар. Бу съездда Туркистон РСФСР составига автономия асосларида бирлашганлиги эълон қилинди.

Авторлар Туркистон Советларининг 1918 йилги олтинчи сессиясида қабул қилинган Туркистон АССР биринчи Конституциясининг ишланиши ва қабул қилиниши тўғрисида тўхталиб ўтадилар. Бу Конституция Совет Туркистони халқларининг революция натижасида қўлга киритган ютуқларини қонун тариқасида мустаҳкамлади ва Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг Ўрта Осиёдаги ғалабасини яққол кўрсатадиган тарихий ҳужжат бўлди.

Авторлар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев бошчилигидаги Туркко-миссиянинг Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдаги роли тўғрисида маълумот берадилар.

Китобнинг биринчи қисмида Хива ва Бухоро меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида революция қилиб, хонлар ва амирлар ҳокимиятини ағдариб, Совет халқ республикаларини барпо қилганликлари баён этилади, Хоразм ва Бухоро Совет халқ республикаларининг Конституцияларига характеристика берилади, бу Конституцияларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва рус ишчилар синфининг Ўрта Осиё халқларига берган иқтисодий, сиёсий ва маданий ёрдамлари натижасида Бухоро ва Хоразм Совет халқ республикалари 1924 йилга келиб социалистик республикаларга айландилар.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилди, бунинг натижасида Ўзбекистон ва Туркманистон иттифоқдош Совет Социалистик Республикалари, Тожикистон Автоном Республикаси, Қиргизистон ва Қорақалпоғистон автоном областлари ташкил бўлди.

Бошқа қардош республикалар каби Ўзбекистон ССРнинг ташкил бўлиши натижасида ўзбек халқи тарихида янги давр бошланади ва у биринчи марта ўз социалистик миллий давлатига, ўз Конституциясига эга бўлади. 1927 йил март ойида Ўзбекистон ССР Советларининг иккинчи съездида Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси қабул қилинди.

Китобда 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясига тўлиқ характеристика берилади, унинг тарихий аҳамияти ҳақида гапирилади.

Китобнинг иккинчи қисмида авторлар 1927-1937 йиллар ичида Ўзбекистонда бўлган жуда катта иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида, ленинча миллий сиёсатнинг буюк ҳаётий кучи ҳақида ёзадилар. 1936 йилги СССР Конституцияси мамлакатимиздаги социализм ғалабасини қонун қилиб мустаҳкамлади. СССРнинг янги Конституцияси асосида 1937 йил 14 февралда Ўзбекистон Советларининг олтинчи фавқулодда съездида Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституция Ўзбекистонда социализмнинг ғалабасини қонун қилиб мустаҳкамлади. 1937 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияси республикаларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини акс эттирди ва шу билан бирга СССР Конституциясига тўлиқ мос бўлган Конституция эди.

Китобда авторлар 1937 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясига тўлиқ характеристика берадилар. Ўзбекистон ССР нинг ижтимоий ва давлат тузуми, ҳокимияти ва идора органлари, суд ва прокуратура органлари, гражданларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, Ўзбекистон ССРнинг сайлов системаси тўғрисидаги масалаларга батафсил тўхталадилар. Шу билан бирга 1937 йилдан 1956 йилгача Ўзбекистон ССР Конституциясига киритилган ўзгаришлар ҳам кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон ССР Конституцияси Коммунистик партия раҳбарлигида ва СССРдаги барча халқларнинг, биринчи навбатда, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами натижасида Ўзбек халқи қўлга киритган буюк ютуқларни ўзида акс эттирган, тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Ўзбекистон ССР Конституцияси тарихига доир бундай китобнинг босилиб чиқишини табриклаб керак. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ССР Конституциясининг тарихига доир бу китобни Ўзбек тилида ҳам нашр қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

И. ЗОКИРОВ,
юридик фанлар кандидати.

[1]) **А. Аъзамхўжаев и Ш. Ўразаев. «Развитие Конституции Узбекской ССР», Госиздат УзССР, 1957 год.**

Бир эмас, уч ой ўтиб кетди

Борди-ю, Тошкент универмагига қарашли 1-модалар ательесига кийим заказ қилишни ихтиёр этсангиз, олдин оёғингизга таг чармли қалин туфли сотиб олиб, нағал қоқтиринг. Энг муҳими тахминан ярим йилга етадиган сабр-тоқатни ғамланг. Ҳурматли газетхон, «бу ваҳима гапинг нимаси» деб ҳайрон бўларсиз.

Мана бу саргузашт билан танишсангиз, таажжубингиз ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 7-ишчи-ёшлар мактабининг ўқитувчиси Ўртоқ Б. И. Гергель ўзига тузукроқ костюм тиктириш орзусида юқорида айтилган ательега келган эди. Костюм тиктиришга ордер олиш машаққат экан денг, заказчи ателье эшигига роса қатнади. Ниҳоят 1957 йил 6 мартда чеварлар Гергельнинг бўй-бастини ўлчашди. Ўқитувчи костюмнинг 90 процент баҳоси — 1500 сўм пул тўлаб уйига қайтди ва биринчи примерка кунини кута бошлади. Орадан 10 кун ўтгач, Гергель заказ қилинган костюм масаласида уч кун ичида ательега келиб кетиш сўралган хат олди.

— Костюм учун танланган материалингиз йўқолиб қолибди, — дейишди унга ателье ходимлари, томлан тараша тушгандек қилиб. «Тилаб олган боламни ячки тепиб ўлдирди» деганлари шу-да. Гергельнинг таъби хира бўлди. Ателье директори Қўқонбоева:

— Яна бирор ойча кутинг, — деб юпатган бўлди.

Гергель вақти-вақти билан хабар олиб турди. Орадан бир ой эмас, роса уч ой ўтиб кетди. Аммо материалдан дарак йўқ эди. Заказчи қатнайвериш жонига тегиб, шу йил 10 июнда Қўқонбоевадан костюм учун материал топиб беришни қатъий талаб қилди. Тўғрисини айтсанг, туққанингга ёқмайсан деганларидек, қақли талабни директор ҳазм қила олмади.

— Бошимни оғритманг. Кабинетдан чиқиб кетинг! — деди у Гергельга тўраларча бақираркан, қўлини пахса қилиб. Директорнинг номери ўтмади: Гергель ўз талабида туриб олди. Қўқонбоева бош инженер Портновни чақиртирди.

— Материал қани? — деди у бош инженерга.

— Билмасликка оласиз-а. Ўзингизга костюмликка олдингиз, мен ҳам олдим, Ольга Борисовна ҳам олди. Хуллас, заказчи Гергельга қолмади.

Ходимнинг тўғри гапидан сўнг сир очилиб қолди. Шундан кейин ҳам Қўқонбоева заказчига дуруст муомала қилишга ҳасислик қилди. Қайтага яна кўтарилиб кетди:

— Гергель, боринг қаерга шикоят қилсангиз қилаверинг! Сизга костюм йўқ. Тушундингизми?!

Гергель ҳали ҳам костюм заказ қила олмай сарсон бўлиб юрибди.

1-ателье фаолиятида бундай кўнгилсиз ҳоллар тез-тез учраб туради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун регистратура ва шикоят дафтарларини варақлаб чиқиш кифоя.

Ателье фаолиятидаги бундай жиддий нуқсонлардан, заказчиларнинг норозилигидан Тошкент универмагининг директори ўртоқ Аъзамовнинг хабари йўқ дейсизми. Бор. Фақат билмасликка олиб юрибди.

Ателье меҳнаткашларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатадиган корхонага айланиши керак.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Адабиёт САҲИФАСИ

Гулшан

(Шу номли поэмадан парча)

IV

Қиз қалбида ўн етти баҳор
Ғунчалари ёзган эди гул.
Дилга қўшиқ бўлган эди ёр,
Майин сочлар мисоли сунбул,
Таким ўпиб, эшилган тол-тол,
Лаби узра тимқора бир ҳол,
Шаҳло кўзлар бир боққанида
Ут ёнарди йигит танида.

Сой бўйига чиққанда гоҳо
Тўлқинлардан кўзин узолмас.
Ёшлик шавқи билан бепарво —
Ўйнаб-кулар... шу сой янглиқ
маст.

Арғимчоқда учган чоғида
Юлдузларга етгандай бўлар.
Гоҳ сайр этар мактаб боғида,
Қалбда қайнаб тошар орзулар.

Қучоғини очар ёруғ синф,
Сатрларда югурар кўзи.
Туюларди бир дунё бўлиб
Ўқитувчи айтган ҳар сўзи.

Ёшлик, орзу, чиройга тўлиб
Қизга қарар бу гўзал олам.
Унинг чексиз мафтуни бўлиб,
Тўйиб-тўйиб боқарди қиз ҳам.

Баҳор қутлар навқирон ёшин,
Ёнғоғига мафтун қизғалдоқ,
Силар эди яproқлар бошин,
Табиатнинг кўрки—қизалоқ

Шундай ўсар озод элида,
Шодлигига тор эди жаҳон...
Ҳали унинг ғунча дилида
Қанча сирлар ётарди пинҳон.

Жимир-жимир қўкда юлдузлар,
Тунлар қизга ҳикоя сўзлар.
Қишлоғида таралди дув гап,
Қизнинг ҳусни, зеҳнини мақтаб.

Тўпланишса икки-уч аёл,
Шу хусусда очиларди фол:

«Сарвихоннинг қизи кўп
хушрўй,
Нозаниндай бўпти-да, янга.
Ана ҳусну, ана қадду-бўй,
Балли сени туққан онангга».

Кўзига тик боқмоқ қасдида
Не йигитлар юрарди доғ-доғ.
Олишару кўзни остига,
Лаблар сўзга келишмас... Бироқ
Шу колхозда битта йигит бор,
Доно, девкор — исми Дониёр.

Кечалари шўх қўшиқ айтиб,
Пахтазорга таратаркан сув,
Қиз дилида севинч уйғотиб,
Кўзларига йўлатмас уйқу.

Ярим тунлар бедор ўтириб
Тинглар, йигит куйлаганида.
Қалб орзиқиб, тепар гупуриб
У йигитни ўйлаганида.

Нима бўлди? Ҳали сезмас у,
Нечун юрак бунча беором.
Йигит куйлар: «Кўзлари оҳу,
Юзлари ой, эй ширин калом,
Нетар менга бир кулиб боқсанг,
Майли, сўнгра ўтларда ёқсанг».

V

Кунлар ўтар эди шу зайил,
Баъзан йўлда учрар Дониёр.
Салом деру дилдаги майл
Қиз чеҳрасин этарди анор.

Қиз боғига туташ картаси,
Йигит бундан бениҳоя шод.
Кўзин узмай боқар муттасил,
Шу боғ сари ёзгудай қанот.
Қиз кўксида барқ уриб умид
Кезар эди бир куни боғин.
Қўрди, нимдир боқар девордан,
Кулиб, қараб турарди йигит.
Гулшан қалби худди анҳордай
Тўлқинланди босиб қиргоғин.

— Салом, Гулшан.
— Салом, — деди қиз.
Сўнг бир нафас қолишди сўзсиз.
Балки, шу дам томирларда қон—
Урнида ҳам онди ҳаяжон.

— Кечирасиз... илтимос...
шунга...
Дудуқланиб айтар ҳар сўзни.
— Мумкинмикан фақат бир
кунга
Мен «Ашула дафтари»нгизни
Олиб турсам...
—Хўп, — деди-ю, ўқ
Каби учди Гулшан уй сари.
Папкасини титар. Унда йўқ,
Айланади уйда сарсари.

Она ҳайрон қизнинг ҳолига,
Не гаплигин билолмас она.
Токчаларни титкилар нега,
Нега қизи мунча парвона?

Яна олиб игна-ипларин
Тикиш-чатиш билан бўлар банд...
Гулшан мана тепди дафтарин
Капаландай учади хурсанд.

— Марҳамат, — дер ёниб,
беқарор,
Чўзилади оқ, момиқ билак,
Йигит боқар шод, беихтиёр,
Атлас кўйлак ичра қўш кўкрак
Сапчиб турар, сезар Дониёр.

VI

О, сен ёшлик, беғубор фасл,
Туйғуларнинг қайнар булоғи.
Бебаҳосан ,кўркам ва асл,
Сен умрнинг баҳори, боғи.

Севги билан ободсан ҳар он,
Севги билан гўзалсан мангу.
Умр агар бўлса бир осмон,
Ёшлик унда барқ урган тонг у.

Ёшлик, сенинг фазилатинг кўп,
Сен ҳаётга, умрга чирой.
Сени кулдай кўкка совуриб,
Қадрламай, ўтда қовуриб,
Беменҳатну, беишқ, бемаҳбуб
Ўтганларнинг аҳволига вой!

VII

Кунлар ўтар эди шу зайил,
Баъзан йўлда учрар Дониёр.
Салом деру дилдаги майл
Қиз чеҳрасин этарди анор.

Бир кун ўша девордан ошиб
Қиз томонга ўтди Дониёр.
Икки қалбда оташ туташиб,
Лаблар лабга босилди...
Баҳор —
Шуълалари югурди қонда,
О, илк бўса, ушбу жаҳонда
Сендан тотли нима бордир, айт!
Муқаддасдир илк ўпишган пайт.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

Суратда: ёзувчилардан бир группаси Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида янги асарларни муҳокама қилмоқда.

Ленин партиясига

Бешинчи йилларнинг бўрони оша,
Буюк куч қўзғолди зулматни
ёриб.
— Отлан, — деди партия, —
зўр курашга!
Ҳар қалбни тебратди садоси
бориб.
Бу сафар чекинди қўзғолон,
аммо,
Жандарма вақтинча бўла олди
ғоз.
Ечилиб келарди асрий муаммо,
Бир буюк курашга у эди синов.
Колонна йўлига Ленин сочди
нур,
Тугилди қайтадан Маркс ҳам
гўё.
Партия бош бўлди уларга
мағрур,
Мададкор шулар деб, боқарди
дунё.
— Қуроллан! — деди у,
халқлар қўзғолди.
У билан уйғонди истак ва ҳавас.
— Озодлик! — деди-да, улар
йўл олди,
Чил-парчин қилинди зулм ва
қафас.
Ушанда атади Лениннинг ўзи
Шу Партияни халққа мураббий
деб.
Тикилган халқларнинг умидвор
кўзи
Олға борар доим унга таяниб.
Унинг қудратидан қаҳроқ чўлда
ҳам
Пахта унмоқда, буғдойзор
шовуллар.
Гиёҳсиз даштларда ҳамиша
кўклам,
Қаддини кўтарган шаҳар,
овуллар.
Ҳар кунги ғалаба бир зина
бизга
Ҳар йилнинг якуни улуғ поғона.
Партия етакчи, коммунизмга
Албатта етамиз ғолиб, мардона.

Сайёр ПУЛАТ.

САТИРА ВА ЮМОР

Хизмат ва хушомад

У мени кўрдию ўзгарди бирдан—
Лаб-лунжин йўқотиб деди,
ассалом.
Алик олгунимга қўймай
бидирлаб,
Бола-чақам соғлиғин сўрди
номба-ном.
Қўлин қовуштириб, икки букилиб,
Куйдирган калладек тиржайиб
боқди.
Шимимга ёпишган «қил-хасни»
териб,
Бир оғиз гапириб, тўрт бор қош
қоқди.
Ҳатто кеча ичган ошим,
афшурганим,
Унинг назаридан қолмади четда.
Менга совуқ елин раво
кўрмайин,
Ўлган бобомларни мақтаб ҳам
кетди.
Ҳайратда ўйланиб, бош қашиб
қолдим,
Нима гап, не учун бунча
илтифот?
Ҳижолатдан ҳатто қизардим,
толдим,
Бу гал бунча қуюқ ҳол сўрар
бу зот?
Илгарилар қўрса қиё боқмасди,
Салом берсам, унга олмасди
алик.
Гўё ўз ишига ўзи маст эди.
Кеккайиб юрарди бурун типпа-
тик.
Бугун эса бўлган юмшоқ
супурги,
Ҳатто ботинкангни ялаб
қўйгудек.
Сўзга оғиз очсанг, лабда тупруги.
Оғзинга энгашиб, қотиб қолар
тек.
Қилиғидан кулиб, гоҳ
ғазабланиб
Турардим, бошлади чойхона
сари.
Атрофга аланглаб олгач, яланиб
Ўтирди кўплардан ўтиб юқори.
Ҳа, шунда эсимга келди яқинда
Ўқишни тугатиб ишга ўтганим,
Антладим, «амалимга» хушомад
қилган
Бу бетсиз ва қаллоб йигит
экан ким?..

Шотурсун ҒУЛОМОВ.

Б Е О Р

Яхшиямки, фотоаппарат бор, бўлмаса шу аёлга: «Кеча ножўя иш қилибсиз, уят бўлмайдими...» деб танбиҳ бергудай бўлсангиз ҳаммомдан қуруқ чиққан кишидек тониб юборишингиз аниқ!

Автобус остановкасида одам кўп, қуёш қиздириб турибди. Қани энди бир челак сув сепиб қўядиган азамат бўлса. 30-автобаза раҳбарлари Мирзачўлдек катта остановкага 3-4 машина шағал тўкишни раво кўришмабди! Машиналар катта эмасми, остановкага келиб тўхтаётганда ҳаммаёқ тўзиб, чанг булутсимон сузиб юради. Бу ерга оқ кийим билан яқинлаша кўрманг, терга қоришган чанг кийимга ёпишади, елкангизга қўл тегизсангиз, лой пилта-пилта бўлиб чиқади.

Яра устига чипқон деганларидек ҳалиги чангга шу ер супирилаётганда қўтарилаётган тўзон қўшилиб, таъбингизни яна хира қилади. Шу пайтда кўча чангитаётган ким?

Афтидан автобаза раҳбарлари кассир Рая Конаненкога шу ерни супириб туришни ҳам топшириб қўйган бўлишса керак. У навбат кутиб турган йўловчиларнинг гапини писанд қилмай, кассанинг эшигини тақ этказиб ёпади-да, иккинчи «вазифаси» — остановка территориясини супиришга тушади. Шунда сиз:

— Ҳаммаёқни чангитиб юбордингиз-ку, — дея кўрманг. Жайра сингари найза ирғитади.

Рая бу ҳам етмаганидек ахлатни тўплаб, челакка солади-да, беш-олти қадам юриб, уни кўчага ағдаради. (Расмини кўриб турибсиз).

— Ахир бу яхши эмас...

— Йўлингиздан қолманг, йигитча, — деб тескари қараб кетаверади.

Бу ерда ахлат тўкадиган яшик йўқ дейсизми, бор. Аммо у ергача 20-30 қадам йўл босиб бориш керак, кўча бўлса у ерга нисбатан яқин, жон қойитишнинг нима ҳожати бор! Кўча ифлос бўлса, одамларнинг кийимига доғ тушса Раяга нима?! Ана кўраяпсизми, у ахлатни тўкаётганда жуда эҳтиёт бўлади, ўз кийимига гард юқтиргиси келмайди.

Фотомухбиримиз Рая Конаненкоднинг расмини олаётганда автостанциянинг бошлиги Акимбек Шойбеков ҳам шу ерда ялжайиб турарди. Лекин у бир нима демади. Фақат:

— Рая тушмагур шунақа, бир гапирсангиз, ўнтасини қўндиради, — деб қўяқолди.

Эҳтимол Рая Конаненко Мирзачўл шаҳар санитария инспекциясининг бошлиги ўртоқ Боковнинг гапига қулоқ солар?!

С. МАҲКАМОВ.

САҲАРДА...

Осмонда тўрғайлар этмасдан парвоз
Гиёҳлар киприги тўкмасдан шабнам...
Айвонда Зиннатой қиларди пардоз
Кўнглида: буғдой ранг, нор йигит Ҳамдам.
Кўйлаги атласдан, нимчаси бахмал,
Оёнда «амиркон лодичка», қаранг...
Ясаниб-тусаниб Зиннат бир маҳал.
Кўрғондан ташқари чиқди бошяланг...
Шилдирар қоғоздай мактанчўҳори
Шафтоли олдида одам сояси...
Кутаркан вафолик кўзи хуммори
Бошланди севгининг илк ҳикояси.
Ишва-ноз, ғиналар... андиша... фироқ,
Ортага тўкилди, қилинди баён;
— «... Кетмаган эдимку жонгинам, йироқ...
Не учун хат ёзмай қилдинг нигорон?
Бунчалик бўлишни кутмаган эдим
Севгимиз туфайли кетдим Тошкентга,
Бунчалик йўлга кўз тутмаган эдим»
— «Ҳамдам ака, бунча чопасиз бетга?»
«Беҳуда ёғдирманг таъна тошини,
Беҳуда ҳақорат дилни поралар».
(Қиз ўзин тутолмай тўкди ёшини)
«Бор ўхшар колхозда ичиқоралар,
Бўлмаса қайларда қолди ҳатимиз?
На сизга, на менга тегмаса бири!
Наҳотки саргардон муҳаббатимиз,
Наҳотки ечилмас гумоннинг сири!»
Хаёл тулпорида чопди қолиб жим...
Муҳаббат туғилган жойлардан ўтди.
Мактаби, пахтазор, бир шингил узум...
Сайилгоҳ, хилват боғ, сойлардан ўтди.
Тулпори тўхтади қоқилган сумон,
Ҳамдамнинг кўзида чақилди чақмоқ.
Ушанинг иши бу! Ғаразгўй Усмон
Рашк этиб севгига қўйибди тузоқ.
Ҳамдамжон юпатди сочини ўйнаб,
Гумон туманлари таралди қалбдан.
Кўзида ўт чақнаб, ўйлаб ва ўйлаб
Лабларда ширалар яралди лабдан...
«Синглингиз Чиннихон оқшом, хирмонда
«Амонот» топширди, ичдан кетдим зил,
Пахтамни топшириб келиб, айвонда
Ўқидим, тебрандим булутдай енгил...
Қани келақолса кўзимга мудроқ
Қани энди сурма тун ёриша қолса...
Юлдузлар осмонга сочилган бодроқ,
Қани энди кундуз тез териб олса!
Шу кеча бир йилдан туюлди узун,
Шу кеча англадим севги қадрини,
Шу кеча айрилиқ беркитди юзин,
Шу кеча англадим юрак сабрини,
Кечиринг, берилиб кетиб туйғуга
Унутаёзибман Сизни кутлашни».
Ҳамдамжон кўзини тикди сулувга
«Кўп раҳмат! бошлаймиз энди курашни,
Қўл билан термайсиз кумушингизни,
Машинамда териб бераман ўзим».
Тонг чоғи учрашув юракка мадор,
Севги ва саҳардан оласан сафо.
Кетолмай туришар икки пахтакор,
Қўлларин чамбарчаст боғлаган вафо.

Ёнғин МИРЗА.

Собир АБДУЛЛА

ИСТЕЪДОД

Биринчи парда, биринчи кўриниш. (Муқаддима—пролог)

Тошкент тўқимачилик комбинати ички майдонидаги кенг, гўзал гулзор. Тонг ёришмоқда. Тонг осойишталигини булбулларнинг сайрашларигина бузмоқда, қуёшнинг заррин нурлари дарахтлар устида кизариб кўринмоқда.

Фабрикага оқиб келаётган эркак-аёл, қиз-жувон ишчилар иш либосида, хушчақчақ вазиятда тўпланиб, хор бошлайдилар, хор аста-секин рақсга айланади:

Сола ва хор

СОЛА:
Яшнади нур, кулди Ватан
меҳнатимиздан,
Гуллади кенг боғу чаман
меҳнатимиздан.
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Ғайратимиздан.
ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Қудратимиздан,
ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Шуҳратимиздан.
ҲАММА:
Халқлараро қийматимиз,
ҳурматимиздан,
СОЛА:
Илгарилар кун сайин
бу илгарилашлар,
Қудрати зўр техника, фан,
меҳнатимиздан.
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Ғайратимиздан.
ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Қудратимиздан,
ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР:
Ҳимматимиздан
Халқлараро қийматимиз,
ҳурматимиздан.
СОЛА:
Халққа кийимлар тўқилар
тортиғимиз деб
Қалб тўла завқ, ялла билан
меҳнатимиздан.
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Ғайратимиздан,

Драматург Собир Абдулла Улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллиги шарафига Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари ҳаётидан «Истеъдод» номли 4 парда, 6 кўринишли музикали драмасини ёзиб тамомлади.

Биз қуйида шу пьесадан парча босмоқдамиз.

ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР: Қудратимиздан,
ЭРЛАР: Ҳаммаси:
ХОТИН-ҚИЗЛАР:
Ҳикматимиздан,
Халқлараро қийматимиз,
ҳурматимиздан.
(Гудок эшитилди, ҳаммалари фабрикага юрадилар, Маҳбуба бировни кутгандек, ёлгиз қолади, гулзор бўйидаги скамейкада ўтириб, китоб ўқийди, китобнинг баъзи саҳифаларини чизади, гоҳ-гоҳ йўлга қараб кўяди):

МАҲБУБА (ария):
Фикру қарорим, касбиму корим,
Танда мадоримсан,
Аҳдида борим, номусу орим,
Севгили ёримсан.

ҲАМДАМ (узоқдан):
Аҳдида борим, номусу орим,
Севгили ёримсан.

МАҲБУБА:
Босган изингга лола, чаманлар
Бўлди поёндозинг,
Гул ила кулган, нур ила тўлган
Фасли баҳоримсан.

ҲАМДАМ (бироз яқин):
Нур ила кулган, нур ила тўлган
Фасли баҳоримсан.

МАҲБУБА: омон... омон... Э, ёри меҳрибон...

ҲАМДАМ: омон... омон... Э, ёри меҳрибон...

МАҲБУБА:
Дил тўла меҳринг, тил тўла
зикринг,
Мадҳи қўшиқларда.
Жисмиму жоним ёр сенга қурбон,
Сафдаги норимсан.

ҲАМДАМ (киради):
Жисмиму жоним ёр сенга қурбон,
Яхши нигоримсан.
(Сўзсиз кўришадилар).

МАҲБУБА:
Қиш менга гулшан, тун менга
равшан,
Соф шу муҳаббатдан,
Ишқ тўла шеърим, завқ тўла
кўнглим,
Куй тўла торимсан.

ҲАМДАМ:
Ишқ тўла шеърим, завқ тўла
кўнглим,
Куй тўла торимсан.

ИККИСИ: омон... омон... Э, ёри меҳрибон...

(Тўхтаб, булбуллар сайрашига қулоқ соладилар)

ҲАМДАМ — Бечора бу қушча, ўз юрак дардини куйламоқда. Мен ҳам гуллар ошиғиман. Лекин ҳанузгача гул ҳақида тўрт сатр мадҳия тўқий олганим йўқ..

МАҲБУБА — шунинг учун ҳам, уни булбул дейдилар. Булбул деган сўз рассом деган сўз эмас. Булбул гунчаларнинг уйқидан уйғонишини пойлаб, тиканлар наштарига бардош бериб, тинимсиз куйлаш билан тонг оттирса, сиз шунинг акси.

ҲАМДАМ: Лаббай...

МАҲБУБА — Гул булбулни кутганми, ҳеч жаҳонда.

ҲАМДАМ — янглишасиз Маҳбубахон. Мен эртадан бери боғма-боғ, гулзорма-гулзор юриб, гул талладим. МАҲБУБА — гулни ўзга боғ, бахтни ўзга ёқдан изладим денг-а...

ҲАМДАМ — Менинг таллаганим ёлғиз бир гул.

МАҲБУБА (дуэт):
Ростин айтинг, қайси гул у,
қайси боғ раъносидир,
Ё қизил гулдирки, булбул
тонгаро шайдосидир.

ҲАМДАМ:
Ҳамма гуллардан гўзалроқдир
менинг севган гулим,
Яшнамоқ тобора бу гулнинг асл
маъносидир.

МАҲБУБА:
Ростин айтинг, қайси гул у,
исми ё гултожими,
Бўлса у, қайси чаманнинг ишқ
учун савгосидир.

ҲАМДАМ:
Бу каби гуллар чаманда унмагай
ёзу баҳор,
Тоза кўнглим гулшанининг бир
гули таниҳосидир.

МАҲБУБА:
Ростин айтинг, қайси гул у,
сизни шайдо айлаган,
Оти ё жамбилми, райҳонми ва ё
наносидир.

ҲАМДАМ:
Мен кўнгил берган ўшал гул,
маънавий шу ҳуснингиз,
Шу муҳаббат оламининг чин
гўзал аъзосидир.

(Ғолибов кириб, ўзини дарахт панасига олиб, тинглайди, улар қувишиб гуллар орасига кирадилар, буфет аравача етаклаб кирган қишга «боравер» ишорасини қилади, кейин улар кетидан қараб қолади:)

ҒОЛИБОВ — Ҳимм... Бунинг умидида мен комбинатга зўрга ишга жойландим-у, бу ерда бошқа ҳачома... (ҳиргойи қилади:)

Хўп шошма-ю, хўп шошма, лайзон
гул,
Сен мен билан ўйнашма, лайзон
гул.
Юрак-багримни доглаб, лайзон
гул,
Кўз олдимда қувлашма. лайзон
гул.
Мен сизларни боплаймач, лайзон
гул,
Ўтга солмай тоблайман, лайзон
гул.
Бу йигитнинг юзига, лайзон гул,
Боплаб, қора чаплайман, лайзон
гул.

РАҲИМЖОНОВ (киради, сўрашади:) — Ҳа, огайни. Ишлар лайзон гул-ку...

ҒОЛИБОВ — Э, Наимжон ака. Кяши бир нарсадан бўғилгандан кейин, хафаликни нарироққа кеткизиш учун оғзига келганни гингиллайди...

РАҲИМЖОНОВ — Хўш-хўш... Эрталабда қандай табъи хиралик юз берди?

ҒОЛИБОВ — Шогирдингиз Маҳбуба бидан ораларингиз анчак хирароқми дейман...

РАҲИМЖОНОВ — (ўйланиб олиб, сўнг:) — Гапираверинг...

ҒОЛИБОВ — Ҳамдам Азизов билан-чи...

РАҲИМЖОНОВ — Қалин бўлмасаҳ ҳам, салом-алигимиз бор. Нима қилди?

ҒОЛИБОВ — Одамларга ҳайроннсан, киши... (кўл силтаб): эҳ...

РАҲИМЖОНОВ — Менинг тўғримда бир нарса дейишмиди?

ҒОЛИБОВ — (Қўлидаги гули: Раҳимжоновнинг чўнтагига қистириб туриб). — Ишонган тоғда кийик ётмас деганча бор. Қани, йигирма беш йиллик қадр-у, кийматингизни устозлик хурматингиз.

РАҲИМЖОНОВ — Ер тагида илон қимирласа биламан. Шу кунларда Маҳбуба менинг ўрнимни эгаллашдан бошқа нарсани ўйламайди.

ҒОЛИБОВ — Ундан бошқа иғволар. Қўйинг, кетдик. Чақимчиликни ёмон кўраман.

РАҲИМЖОНОВ — Ёрилсангиз-чи, ахир...

ҒОЛИБОВ — Кўзингиз уйқуда экан.

РАҲИМЖОНОВ — А...

ҒОЛИБОВ — Ака, вазмин бўлинг (етаклаб чиқиб кетади), Ҳамдам билан Маҳбуба бир донадан гул ушлаб, қўлтиқлашиб, гулзордан чиқадилар):

ҲАМДАМ — Ундай деб қўрқитманг, Маҳбубахон.

МАҲБУБА — Мен сизга афсона Фарҳодидек тог қазиб, сув чиқариш шартларини қўйётганим йўқ. Ёки афсонавий ўт дарёсидан ўтиб, муз тоғларидан ошиб, аждаҳоларнинг бошини янчиб, тилсимларни очинг демадим.

Менинг ишқ шартларим илғорлар сафидан ўрин олинг, ишингиз истеъмолчиларга манзур бўлиб, номингиз оғизларда мақтаясин. Бу шартлар ўзимдек оддий, ҳаётимиздек реал.

ҲАМДАМ — Уддасидан чиқолмасам-чи?

МАҲБУБА — (аста юзига уриб): — Ундай йигит, давримизнинг Ҳамдами бўлолмайди.

ҲАМДАМ (дуэт):
Хоҳ қийна, хоҳла қил шод,
Кўнглим сенга ҳавола.
Обод замонда обод
Кўнглим сенга ҳавола.

МАҲБУБА:
Йўлар кўнгил, кўришсам,
Қийнар кўнгил, уришсам.
Бу танда поку озод,
Кўнглим сенга ҳавола.

ҲАМДАМ:
Шартингга кўнди жоним,
Ишқ шарти имтиҳоним.
Номинг тилимдадир ёд,
Кўнглим сенга ҳавола.

МАҲБУБА — Булбул тараннум
айла.

ҲАМДАМ — Гулдек табассум
айла.

ИККИСИ:
Қил янгиликни ижод,
Кўнглим сенга ҳавола.

(Музика давомида қўл тутишиб, телмуришадилар, Маҳбуба қўлини олиб, тез бурилиб, кетади, Ҳамдам кулиб, қараб қолади, музика тинади):

ҲАМДАМ — Ҳам куйдиради бу қиз, ҳам ийдиради...

Парда.

Иккинчи кўриниш

Биринчи пландаги хона орқали орқа пландаги катта залга йўл бор, биринчи пландаги хонада яхши диванлар, оқ жилд кийдирилган стул, айланма стол устида гул, деворларда рассомларнинг намуна учун қўйилган эскизлари, тувакларда декорация гуллари.

Орқа пландаги залда зўр кенгаш бормоқда.

Раҳимжонов биринчи пландаги хонада ёлгиз папирос чекиб, уёқдан-буёққа юриб турибди ҳиргойи қилмоқда, орқадаги мажлиснинг руҳи, кўпчиликнинг иштироки сезилиб турмоқда.

Музикасиз хиргойи

РАҲИМЖОНОВ:
Талаблар олдида Ҳамдам тили
лол,
Кенгашда сўз борар гуллар
устида.
Ўз ролим ўйнайман сўнгра
бемалол,
Чунки, бўлур пичоғим мой
устида.
Мақсад менда бошқа, мажлис
баҳона,
Маҳбуба сўзга чиқди, мен учун
шу бас.
Ҳамдамга тор бўлар бу улкан
хона.
Шундан сўнг оларман мен эркин
нафас.

ҒОЛИБОВ — (ичкаридан кулиб, ҳовлиқиб чиқади): — Эй... Наимжон ака. Эшитмадингиз. Эшитганда бир қоп семирар эдингиз. Жуда ғалати гаплар бўлди.

Колхозчи хотиндан кейин, Маҳбуба сўзга чиқиб, Ҳамдамни туйиб ташлади. Бунингиз бало эканку, а...

РАҲИМЖОНОВ — Мен худди мана шуни кутган эдим. Мана энди Ҳамдамнинг қўлтиғи... сув пуркашни мендан кўринг (кулишадилар).

ҒОЛИБОВ — Сиз сув пуркамасангиз ҳам, Ҳамдам уни энди ўйлашиб яхши кўрса керак дейман.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

ХИТОЙ ДЕНГИЗЧИЛАРИ КАСАБА СОЮЗИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СССРга ЖЎНАБ КЕТДИ

ПЕКИН, 17 август. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг билдиришича, СССР денгиз ва дарё флоти ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг таклифига музофиқ, Умум Хитой денгизчилар касаба союзи делегацияси касаба союз раисининг ўринбосари Чжан Цзи-фу бошчилигида кеча Пекиндан Москвага жўнаб кетди.

«БИЗ УМУМИЙ ТИЛ ТОПДИК»

ЛОНДОН, 16 август. (ТАСС). Ёшлар ва студентларнинг Москвада бўлган Жаҳон фестивалида қатнашган Англия вакилларидан катта группаси Лондонга қайтиб келди.

Қайтиб келган вакилларнинг кўпи Москвада фестивалда ўн беш кун бўлганликларини бу — «ажойиб» ва «гоят мароқли» вақт бўлди, деб айтмоқдалар.

Фестивалда «Дўстлар жамияти»дан кузатувчилар сифатида иштирок этган 6 та ёш квакерлар кўпларнинг туйғусини ифода қилдилар. Улар бундай дедилар: «Фестивалнинг гоят катта масштаби ва миқёси бизларни ҳайратда қолдирди. Биз фестиваль фойдали бўлди деб ҳисоблаймиз, чунки бизлар руслар билан учраша олдик, улар билан ва кўпгина бошқа мамлакатларнинг ёшлари билан дўстлик ўрната олдик».

Москвада Англиянинг ёш кончиларидан иборат катта группа билан биргаликда бошқа мамлакатларнинг шахтерлари билан учрашган йоркли шахтер Артур Скэржилл — «фестивал ажойиб тамоша бўлди», деб айтди.

«Ҳаммада, — деб қўшимча қилди у, — ана шундай учрашувлар кўпроқ бўлиб турсин деган хис пайдо бўлди. Тилимизнинг турлича бўлиши қийинчилик туғдирадигандай кўринса ҳам, бизлар умумий тил топа олдик».

Ҳиндистон халқларининг байрами шарафига Деҳлида оммавий митинг

ДЕҲЛИ, 16 август. (ТАСС). Бугун Деҳлида Ҳиндистон мустақил деб эълон қилинган кунинг 10 йиллиги ва ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларга қарши олиб борган миллий озодлик урушининг юз йиллиги шарафига оммавий митинг бўлди.

Митингда Ҳиндистон президенти Раждендра Прасад, бош министр Неру ва вице-президент Радхакришнан сўзладилар.

Ливанда янги ҳукумат тузилиши

БАЙРУТ, 16 август. (ТАСС). Байрут радиосининг билдиришича, Ливан президенти К. Шамун Ливан янги ҳукуматини тузишни Сами Солихга топширган.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг IV конгресси очилди

КИЕВ, 16 август. (ТАСС). Бугун эрталаб бу ерда Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг IV конгресси очилди. Конгресс мажлислари Украина ССР халқ хўжалигидаги илғор тажриба виставкаси территориясида ўтказилмоқда.

Киевга кўп мамлакатлардан 500 дан ортиқ делегат, кузатувчи ва меҳмонлар келди. III конгрессдан кейин ўтган давр ичида Жаҳон демократик ёшлар федерациясига аъзо бўлиб кирган 59 ташкилот конгрессда биринчи марта қатнашмоқда.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти Бруно Бернини қисқача кириш нутқи сўзлаб, IV конгрессни очди.

Украина ёшлари номидан Украина комсомол Марказий Комитетининг секретари В. И. Дрозденко ва меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. И. Давидов меҳмонларга қарата табрик нутқлари сўзладилар.

БМТ бош секретарининг топшириғига мувофиқ ва унинг номидан БМТ вакили С. Г. Братчиков конгресс қатнашчиларини ва улар орқали жаҳондаги миллион-миллион йигит ва қизларни табриклади. У конгрессга тинчлик ва халқлар хавфсизлиги йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилади. С. Г. Братчиков БМТ бош секретарининг Жаҳон демократик ёшлар федерацияси IV конгрессига юборган мактубини ўқиб эшитдирди.

Шундан кейин Жаҳон Демократик ёшлар федерациясининг президенти Бруно Бернини «Ёшлар, ҳозирги дунё ва Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг вазифаси» деган темада доклад қилди.

Учинчи конгрессдан кейинги давр, дейди Бруно Бернини, бутун дунё ёшлари ва халқлари турмушида муҳим роль ўйнаган воқиаларга бой бўлди. Ана шу тўрт йил мобайнида Жаҳон демократик ёшлар федерацияси ёшларни атом хавфига қарши бирлашишга, дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга чақирди.

Докладчи федерациянинг ишчи ва қишлоқ ёшлари ўртасида катта иш олиб борганини кўрсатувчи жуда кўп фактларни келтириб, ёшларнинг барча миллий ва халқаро ташкилотлари билан бир битимга келиш ва ҳамкорлик қилиш йўлини топиш соҳасидаги ишлар ёшлар ва студентларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган VI Жаҳон фестивалида ўзининг энг юксак ифодасини топди, деди.

Фестиваль ўзининг бойлиги ва порлоқ натижалари жиҳатидан, қардошлик ва дўстона вазияти жиҳатидан ҳозирги замон ёшларининг тадбирлари ўртасида тенги бўлмаган тадбир бўлди. Фестиваль ёш авлодимизнинг дунёдаги ажралишларни йўқотиш, халқаро кескинликни юмшатиш, халқларнинг тинч тотув яшаши йўлидаги янги ҳиссаси бўлди.

Бруно Бернини федерация олдида турган вазифаларга ўтиб, барча ёшлар ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди. Бу аса, — деди у, — ёшларни қаяжонлантираётган проблемаларни тезроқ ҳал этишга ва уларнинг инсониятнинг тинч тараққиёти ишига янада қимматли ҳисса қўшишига ёрдам беради.

Бруно Бернини мавжуд ажралишнинг салбий оқибатларини тугатиш ва атом билан қуролланиш хавфини йўқотиш мақсадида Европа проблемаларини ҳал этиш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, у Африка ва Осиё ёшларини қаяжонлантираётган масалаларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хитой Халқ Республикасини қонуний эътироф этиши, Корея ва Вьетнамни қайтадан бирлаштириш, Тайванни, Гоани ва Ғарбий Ирианни ўз давлатларига қайта қўшиш, Ўрта Шарққа таалуқли масалаларни ҳал этиш проблемаларига ҳам тўхталади.

Бруно Бернини мустамлакачиликнинг тинчлик иши учун нақадар хавфли эканлигини уқтириб ўтади. У Жаҳон демократик ёшлар федерацияси халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилади ҳамда мамлакатларнинг тараққиёти ва ҳозирги замонга муносиб ривожланиши йўлида уларга тенглик асосида ёрдам берилишига тарафдордир, дейди.

— Биз, дейди Бернини, — ҳозирги кунда ёшларнинг ҳамма ташкилотлари ўртасида мустамлакачиликка қарши битим тузиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Сўнгра докладда, зўр бериб қуролланиш ва дунёнинг ажралганлиги ҳозирги ёшларнинг турмушида ташвиш туғдирмоқда, дейилади. Бинобарин, бир-бирига душман блокларни тугатиш, барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф қилиш, иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлик, қуролсизланиш ва барча давлатларнинг тинч тотув яшаши ҳамма учун умумий вазифага айланмоқда, бу вазифаларни ҳал этиш бутун инсониятнинг тинч тараққиёти учун шартдир.

Сўнгра Бернини айтдики, кейинги йилларда ҳамма жойда ёшларнинг турли ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилишнинг кенг формалари қўлланилмоқда. Маҳаллий ва миллий ташкилотларнинг вазифаси ёшларнинг манфаатлари йўлидаги ҳамма ғоваларнинг олиб ташланишига, уларнинг биргаликдаги ишларида янги тадбирлар кўрилишига эришиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишдан иборат.

Ёшларнинг барча халқаро ташкилотлари ўртасида бир битимга эришиш йўли жаҳон миқёсида зарур ҳамкорлик қилишнига эришишнинг энг яхши йўли бўлур эди. Бруно Бернини айтдики, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси бундан буён ҳам барча миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик йўлидан боради.

Бруно Бернини федерациянинг БМТ билан бўлган муносабатларига тўхталиб, федерация ўз фаолиятини БМТ устави принципларини амалга оширишга ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятига қўшиладиган ҳисса деб ҳисоблайди.

Сўнгра Бруно янги устав проектига тўхталиб ўтди.

Шундан кейин у, учинчи конгрессдан кейин ўтган вақт ичида Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг сафларига дунёнинг ҳамма қисмларидан эллик тўққизта ташкилот қўшилди, деб айтди. Ҳозирги вақтда тўқсон етти мамлакатдан саксон беш миллион йигит ва қизларни ўз сафларида бирлаштирган ҳар хил маслакдаги икки юздан ортиқ ташкилот федерациянинг аъзосидир.

Пировардида Бруно Бернини бундай деди: биз ҳаммани — делегатларни ҳам, кузатувчиларни ҳам,— конгрессининг ёшлар манфаатларини, дўстлик ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини қўлайдиган энг самарали қарорлар қабул қилиб, ўз ишини муваффақиятли тамомлай олиши учун биргаликда иш олиб боришга чақирамиз.

Бруно Бернининг доклади юзасидан дискуссия бошланди. (ТАСС).

СОВЕТ-ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА ЭРОН МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 15 август. (ТАСС). «Рахравон» газетаси Аракс ва Атрек дарёларининг чегара участкаларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги Совет — Эрон битимини шарҳлаб, бундай деб ёзади: «Чегара дарёларида тўғонлар қуриш тўғрисидаги битим ҳар иккала томоннинг катта ютуғидир. Эрон ва Совет Иттифоқи халқлари мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришдан, шубҳасиз, хурсанд бўладилар ва бундан фойда кўрадилар. Ҳар иккала халқ ўртасидаги муносабатлар тез-тез жиддийлашиб турар эди. Бу халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши Ўрта Шарқда ва бутун дунёда тинчликни сақлашга ёрдам беришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ».

«Садоии мардом» газетаси шу муносабат билан бошмақоласида бундай деб таъкидлайди: «Эрон — Совет муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида янги қадам қўйилди».

АТОМ ВА ВОДОРОД ҚУРОЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ УЧУН УЧИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЁПИЛДИ

ТОКИО, 16 август. (ТАСС). Бугун 10000 га яқин киши—атом ва водород қуролларини тақиқлаш учун учинчи халқаро конференциянинг вакиллари ва япон жамоатчилигининг вакиллари Токио спорт залига конференциянинг сўнгги ялпи мажлисига тўпландилар. Зал гоят катта қилиб ишланган тинчлик каптарининг аломати ва конференция қатнашчиси бўлган 25 мамлакатнинг байроқлари билан безатилган эди.

Мажлис қатнашчилари конференция томонидан ишлаб чиқилган учта муҳим ҳужжатни—Токио декларациясини, БМТ ва дунёдаги мамлакатларнинг ҳукуматларига қарата қилинган хитобномани ҳамда атом ва водород бомбаларини тақиқлаш ва қуролсизланиш мақсадида биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисидаги тавсияномани якдиллик билан қабул қиладилар. Делегатлар узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан ўзларининг мазкур ҳужжатларни тўла қувватлаётганликларини изҳор қиладилар ҳамда бу ҳужжатлар дунё халқларининг энг зарур талабларини ва орзу-истакларини ифодалайди, деб таъкидлайдилар.

Мажлиснинг охирида ядро қуроллари тақиқлаш учун кураш миллий кенгашининг бош секретари Каору Ясуи минбарга чиқди. Биз бу ерга, дейди у, резолюциялар ва декларациялар қабул қилиш учунгина тўпланмадик, балки ядро қуролларини тақиқлаш учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун курашни кучайтириш ишида янги қадам қўймоқ учун ҳам тўпландик. Бизнинг вазифамиз ядро қуролларини тақиқлашга эришишдангина иборат бўлмай, балки урушнинг ўзини тугатишдан ҳам иборат бўлмоғи керак. Ясуи конференция делегатларини қабул қилинган қарорларни бажариш йўлида барча мамлакатларда тинчлик учун ва ядро қуролларини тақиқлаш учун янада кенгроқ ва сабот билан ҳаракат қилишни авж олдириб юборишга чақирди.

Япония жамоатчилигининг вакиллари бутун залнинг қарсаклари остида конференция делегатларига совғалар топширадилар. Конференция ёпиқ деб эълон қилинади. Қўлларини ушлашиб олган ҳамма делегатлар ўз ўринларидан турадилар ва залда «Атом бомбаси ташланишига йўл қўймаймиз» деган япон оммабоп қўшиғи кучли жаранглайди.

Кечқурун конференция қатнашчилари шарафига катта қабул маросими бўлди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

* Янцзи дарёси устига қурилаётган биринчи кўприкда қурилиш ишлари асосан тугалланди. 15 август тушдан кейин Ханьян станциясидан Учан станциясигача кўприк орқали биринчи поезд ўтди.

* Стокгольмда халқаро статистика институтининг 30-сессияси ўз ишини тамомлади. Сессиянинг ишларида бошқа мамлакатларнинг олимлари билан бир қаторда совет олимлари ҳам қатнашдилар. Совет статистикачиларининг докладлари сессия қатнашчилари ўртасида кўп қизиқиш туғдирди.

* Байрут радиосининг берган хабарига қараганда, яқинда Ливан парламентига бўлган сайловлар муносабати билан Самиъ Солих бошчилигидаги ҳукумат истеъфо берган. Ливан президенти Комил Шамун янги ҳукуматни тузиш мақсадида сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан маслаҳат қила бошлаган.

* Француз маъмурлари 16 августда «Юманите» газетасини мусодара қилганлар. Газетада Рене Андрьенинг бошмақоласи босилганлиги газетани мусодара қилиш учун баҳона бўлган. Рене Андрьенинг бу мақоласида Жазоирда «тинчлантириш» сиёсатининг барбод бўлганлиги тўғрисида ёзилган эди.

16 август (ТАСС).

Сурия давлат министри Холид Азимнинг айтганлари

ДАМАШҚ, 16 август. (ТАСС). Бугун Дамашқ радиоси Сурия давлат министри ва миллий мудофаа министри Холид Азимнинг баёнотини эшиттирди. Холид Азим ўзининг бу баёнотида Сурия республикаси ҳукумат делегациясининг СССРга ва Чехословакияга қилган сафарини якунлайди.

Холид Азим Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасида битим тузилишига эришилганлиги тўғрисида гапириб таъкидлайдики, бу битим бирон сиёсий ва иқтисодий шартлар қўйилмаган ҳолда тузилди. «Совет Иттифоқи, — деди Азим, — бизнинг ички ишларимизга аралашувни истамайди. Биз сафаримиз вақтида бунга ишондик. Совет Иттифоқи Суриянинг экономикаси мустаҳкам бўлишини ва Сурияннинг сиёсий мустақиллигини қувватлашни истайди.

Холид Азим Совет Иттифоқида «эксплуататорлар компаниялари йўқ», деб таъкидлади. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи «бизнинг мустақиллигимизни истайди ва ўз томонидан бутун дунё учун эълон қилинган умумий принципларга мувофиқ равишда озодлигимизни қўллаб-қувватлайди».

Холид Азим яна Миср ва Англия, Франция, Исроил агрессияси вақтида Совет Иттифоқи тутган қатъий позицияни эслатиб ўтди. Совет Иттифоқининг Миср ва Сурия қувватлаши, — деди Холид Азим, — «озодлик ва тинчликни қутқариб қолди ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларининг хавфсизлигини тиклади. У, арабларни гоят катта бахтсизликдан қутқариб қолди. Империалистлар бизларни ана шундай бахтсизликка дучор қилишни истаган эдилар».

Холид Азим баёнотининг охирида Сурия проблемаларини ва сиёсатини «чўқур англаганликлари ва қўллаб-қувватлаганликлари» учун Совет ҳукумати ва Чехословакия ҳукуматига ўз миннатдорчилигини билдирди.

ИСТЕЪДОД

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

РАҲИМЖОНОВ — Жуда қаттиқ гапирдими?

ҒОЛИБОВ — Қаттиқ гапириш ҳам гапми. Ҳамдамжон ҳаётдан узоқда қолган рассом, Ҳамдамжон кўпчилик истеъмолчилар дидидан ташқарида яшайди. Шунинг орқасида унинг гули билан босилган газламалар сотилмай, магазинларда тахланиб ётипти деди. Сўзининг охирида Ҳамдам ишлаган, ишлаб чиқаришга тавсия қилинган эскизларини виставкадан олиб ташлашни таклиф қилди. Байбой...

РАҲИМЖОНОВ — Бақридан ўтиб қўяқоласизми...

ҒОЛИБОВ — Қизиқ эксанси, Наимжон ака. Мен рассом бўлмасамки, унинг танқидидан қўрқсам. Иккита туққандан кейин, уйнинг бурчагида жуда мулойим бўлиб қолади. Сиз хавфу хатардан қутиласиз, биз хотинлик бўлиб қоламиз.

РАҲИМЖОНОВ — Юракдан теккан эканда, а...

ҒОЛИБОВ — Тушунадиган одамсиз-ку...

РАҲИМЖОНОВ — (қўл узатиб:) — Қўлни беринг, Сотиволдижон... Шу шарт биланки, уйлансангиз, фабрикада бир соат қўймайсиз. Тушунарлими?...

ҒОЛИБОВ — Тушунарли. Менга унинг инженер бўлишининг ҳеч кераги йўқ.

РАҲИМЖОНОВ — Отангизга раҳмат. Энди бу томонини менга қўйиб беринг.

ҒОЛИБОВ — Раҳмат ака... (соатига қараб:) мен ошхонага шошилаяпман. Ҳозир танаффус берилади, чиқсангиз тўғри, ошхонага орқа билан марҳамат қиласиз. (Кетади, Раҳимжонов кулиб қараб қолади).

РАҲИМЖОНОВ — Жазман харидор топилганда ёмон кўрган нарсангни сотиб олганга не етсин. (Мажлис тамом бўлиб, одамларнинг ичкаридан чиқаётганини кўрган Раҳимжонов, ташқарига юради, ичкаридан фабрика раҳбарлари, ишчилар, савдо ходимлари, колхозчи эр, аёллар гаплашиб чиқиб, бу хонани босиб, ташқарига ўтадилар. Семёнов билан қўлтиқлашиб, гаплашиб Маҳбуба ҳам ўтади, музика бу вақтда ўз мазмунини ифодалайди, энг охирида гоят диққат Ҳамдам чиқиб, диванга ўтиради, устма-уст папирос чекади, кейин ёзишга ўтиради, музика тинади, ташқаридан кулимсиб, аста Раҳимжонов кириб, Ҳамдамга папирос тутади:)

РАҲИМЖОНОВ — Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога деб, тўғри айтган эканлар. Бошқа қиз қуриб кетгандек, келиб-келиб шуни яхши кўрганингни қара, ука ...Ҳамдамжоннинг бошини айлантириб, ижодига раҳна солган сенинг ўзинг-у, деб бақиргим келади-ю, баъзи андишаларга бордимда... Бадиий советнинг йўриғи бошқа. Ў ерда ўзимизникилар бўлади, холос. Бегона одамлар орасида бу қадар ерга ориш, дўстнинг иши эмас бу, Ҳамдамжон... (Ҳамдам жим). Тозаям юракдан теккан экан, а... (Ҳамдам папкадан қоғоз олади, расм тушади).

Ўзи тузук қиз-у, тили қумуртқи. Бунинг устига дўст билан душманнинг фарқига бормайди, мажлисларда тилига зўр беради, ким унга ёрдам қилган бўлса, кўпроқ ўшани дўппаслайди. Устози бўлишимга қарамай, мени чиёндек чақиб ўтиришти. Қани, тур, овқатланиб келамиз. (ерда ётган Маҳбуба расмини олиб, ёнга солади:)

ҲАМДАМ — Сиз чиқаверинг. Мен кейинроқ чиқаман.

РАҲИМЖОНОВ — Майли.. Ўзинг биласан, ука... Ух... (чиқиб кетади, Ҳамдам бир нималар ёзишга киришади:)

ҲАМДАМ (ария):

Санчди бағримга тикан, бу
ғунча пинҳон оқибат,
Аҳдини қилмоқ учун ер билан
яксон оқибат.
Лутфими бу билмадим, эҳсонимни
бу билмадим,
Бўпти дашном охири, бу лутфи
эҳсон, оқибат.
Сўзлари ёлғон экан, паймонлари
афсонадек,
Телмуриб алдашлари, билсамки,
ёлғон оқибат.
Оқибатли ёр деб, ҳар дам бино
қўйсам унга,
Қилди бу озор ила кўнглимни
вайрон оқибат.

(Ария тугагач, сўзсиз ёза бошлайди,Маҳбуба кириб, оёқ учида Ҳамдам орқасидан келиб, ёзаётганига кўз ташлайди:

ҲАҚБУБА — Яна ўжарлиг-у, яна ўз айбига иқрор бўлмасликми?

ҲАМДАМ — (тез бурилади:) — Бировнинг хатига кўз ташлаш, энг ёмон одобсизлиқ ҳисобланади.

МАҲБУБА — мен учун сиз бировмассиз. Туринг, овқатга чиқамиз.

ҲАМДАМ — Ҳа... Гапиринг.

МАҲБУБА (дуэт):

Ўртама Ҳамдамгинам, фикрим
тушун ёр, Ўртама,
Ўртамасга ўртамизда аҳдимиз
бор, Ўртама.

ҲАМДАМ:

Ўртаниб, бағрим ёнар етган бу
хил озордан,
Еткизиб, дерсан яна юз ранжу
озор, Ўртама.

МАҲБУБА:

Ўртанишдан манфаат топгай
бўлаклар, кўзни оч,
Аҳдимиз, паймонимиз, сен қилма
бекор, Ўртама.

ҲАМДАМ:

Қўй мени, Маҳбубахон, шундай
насиҳатдан йироқ,
Сен тутиб ўзни яқин,
зинҳор-зинҳор Ўртама.

МАҲБУБА — Бу нима деганинг-из, Ҳамдамжон ака?

ҲАМДАМ— Ўртама... Ўртама... (ёзаётганини йиртиб улоқтиради, тез чиқиб кетади:)

МАҲБУБА — Ҳамдамжон ака... (қараб туриб қолади. Ария музикаси бошланади, кўзига жиқ ёш келади:)

Ария

Қалбимда яшар меҳринг, э ёри
қадрдоним,
Жисмимда сенинг жонинг, жисмингда менинг жоним.
Фикримда мудом сенсан, зикримда
мудом номинг,
Сен ила татир менга, бу бахту
фаровоним.
Ҳар вақтий хаёлларга йўл қўйма,
ўрин берма,
Кеткизма хаёлингдан у аҳдим-у,
паймоним.
Ишкингда эсанг содиқ, халқ ичра
кўрин кўзга,
Мақталса сенинг номинг: албатта
шараф-шоним.

(Ғолибов кириб, Маҳбуба қаршисида илтифот билан салом беради:)

ҒОЛИБОВ — Буюрган овқатингиз тўғнаб қолаёзди. Ўртоқ Зиёева, ошхонага марҳамат... (Маҳбубани қўлтиқлаб олиб кетмоқчи эди, Маҳбуба ўзини тортди ва сумкасидан 10 сўм олиб Ғолибовга беради, Ҳамдам кетган томонга тез чиқиб кетади. Ғолибов унинг кетидан қараб қолиб, ёнидан ҳалиги Раҳимжонов ердан олган расмни олиб, тикилади, ўпади, Маҳбуба кетган томонга мағрур қарайди.)

Парда.

Хитой халқ Республикаси ва Ўзбекистон штангачиларининг учрашуви

15 августда М. Горький номидаги шаҳар болалар паркида оғир атлетика бўйича Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон спортчилари ўртасида халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Мусобақада Хитой томонидан енгил вазнли Линь-Чжу-ин, енгил вазнли, дунё рекордчиси ва III халқаро спорт мусобақаларининг чемпиони Чэн-Цзин-Кай, ярим енгил вазнли Чэн-Юн-Бо, Сюн-Хун-Линь, Чжу-Хун-Цюан ва Ли Бей-юй ўртоқлар иштирок этдилар. Ўзбекистон ССР дан СССР спорт мастерлари Ли Владимир, Г. Кузнецов, Д. Данилин, Г. Петросов ва бошқалар қатнашдилар.

Ҳар иккала томоннинг штангачилари мусобақада қизғин курашдилар. Команда ҳисобида Ўзбекистонлик штангачилар 19 очко тўплаб, биринчи ўринни эгалладилар. Хитойлик спортчилар эса иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Спорт мастери Г. Кузнецов хитойлик меҳмонларга самимий дўстлик ҳисси белгиси сифатида ўзига берилган мукофотни иккинчи ўринни эгаллаган Чжу-Хун-Цюаньга тақдим этди.

Республика пойтахтидаги бу учрашув самимий дўстлик вазиятида ўтди.

Суратда: Хитой Халқ Республикасининг штангачилар командаси.

А. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Бир китоб тарихи

Алишер Навоий номидаги Давлат халқ кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида «Махфий маслаҳатчи Гирснинг ҳисоботи» номли китоб сақланмоқда. Бу китобнинг автори 1882 йилда Туркистон ўлкасининг маъмурий, суд ва молия органларини ревизия қилган. Ана шу ревизия ҳисоботи 25 нусхада ўша даврда нашр этилган бўлиб, китоб устига «Махфий» деган сўз ёзиб қўйилган. Ҳисоботда Давлат ва халқ пулини талон-торож қилиш, суд органларидаги найрангбозлик, чор амалдорлари томонидан қонунларни қўпол равишда бузиш ҳақида жуда кўп фактлар келтирилади.

Муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган бу китобнинг тарихи диққатга сазовордир. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Петроградда туркистонлик ўқувчиларнинг землячество (ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ ёки ватандош студентларнинг ўзаро моддий ва маданий ёрдам уюшмаси) ташкилоти бор эди. Ана шу ташкилот ўз кутубхонасига эга бўлган. 1917 йилда землячестворнинг секретари вазифасини Петроград университетининг студенти М. П. Архангельский бажарарди. Революциядан сўнг землячество ташкилоти тугатилди. Архангельский тўпланган ўлкаси Тошкентга қайтади. Шунда у ўзи билан бирга землячество кутубхонасидаги китобларнинг бир қисмини олиб келади. Архангельский китобхонларни қизиқтирувчи айрим нодир китобларни Навоий номли халқ кутубхонасига беради. Ана шу китоблар орасида «Махфий маслаҳатчи Гирснинг ҳисоботи» ҳам бор эди. Бу китоб муқовасига штамп урилган бўлиб, унда «СПБдаги туркистонлик ўқувчиларга ёрдам бериш жамияти китобларидан» деган сўзлар ёзилган. Ҳатто китобнинг инвентарь номери ҳам шу пайтгача сақланиб келмоқда.

Муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган бу китобни Навоий номли кутубхонага топширган М. П. Архангельский ҳозир ҳам Тошкентда яшамоқда. У педагогика фанлари кандидатидир.

С. НУРМАТОВ.

Тошмат ота бир асрга яқин умр кўрмоқда

Чиноз район, Чиноз қишлоқ Советидаги Сталин номли колхоз аъзоси Тошмат ота 95 ёшга кирди. Бақувват, тетик бу чол ҳар йили томорқасига полиз ва сабзавот экинлари экиб ўзи парвариш қилади.

Тошмат отанинг 62 ўғил, невара ва чевараси бор. Ота ҳали тетик ва бардам.

Т. ХАЙДАРОВ.

Коммунал уйлар сотилмоқда

Коммунал хўжалик уйларида кўп йиллардан буён яшаётган гражданларнинг бир нечтаси Фрунзе район ижроия комитети номига ариза бериб, ўзлари яшаётган уйларни сотишни илтимос қилган эдилар.

Район ижроия комитети меҳнаткашлардан тушган бу талабни қондириб, коммунал хўжалик уйларидан бир қисмини сотишга қарор қилди. Ҳозир шундай уйларнинг бир қисми шу уйда яшовчи гражданларнинг талаби билан уларга сотилди.

Ўтган йили район ижроия комитетининг қарори билан уч уй сотилган эди. Бу йил шундай уйлардан яна 10 га яқини сотилади.

Куйбишев, Октябрь ва бошқа районларда ҳам коммунал хўжалик бўлимига қарашли айрим уйлар сотилмоқда.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, 20/VIII да **Холисхон.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да қундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Кармен**, 20/VIII да **Фарҳод ва Ширин.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (қишки) — қундуз **Тоғлардаги застава**, кечқурун **Райком секретари**, кеч соат 5 да **Хиросима.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — қундуз ва кечқурун **Подгалье ўт ичида**, кеч соат 10 да **Балиқчи ўғли.**

«ВОСТОК» — **Подгалье ўт ичида.**

«ХИВА» — **Подгалье ўт ичида.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8 яримда **Оила номуси**, кеч 10-15 минутда **Мен ва хотиним.**

«УДАРНИК» — кеч соат 9-45 минутда **Балиқчи ўғли**, кеч 10 яримда **Подгалье ўт ичида.**

«УЗБЕКИСТОН» — қундуз **Балиқчи ўғли**, кечқурун **Подгалье ўт ичида.**

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
18 августда

VI Жаҳон фестивали III Халқаро дўстлик ўйинларининг қатнашчиси билан Халқаро ўртоқлик учрашуви. **Цейлон** (Коломбо шаҳри) — **Узбекистон** («Пахтакор») командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР
(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)
19 августда

Катта концерт

Концертда: Узбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев**, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ашурали Юсупов** ва театр солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04928. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1870.